Шубҳасиз, туристик-рекреацион хизматларга биздаги талаб ўтиш даври омиллари ва бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнлари таъсири остида ўзгарди. У кўп жиҳатдан ҳорижий давлатларнинг ютуқларини ўзлаштирди ва бу бевосита ижтимоий формациянинг ўзгариши ҳамда ҳорижий туризм индустрияси намуналари билан бевосита танишиш туфайли содир бўлди. Шу билан бирга, собиқ Иттифок фуқароларининг истеъмолчилик ҳулқининг айрим ўзига хос жиҳатлари ва улар менталитетидаги баъзи хусусиятлар сақланиб қолди. Янги хусусиятларга эга бўлган талаб босимининг ўсиши ҳозирги пайтда туризм индустриясининг шу талабга мувофиқ таклифини шакллантириш, ташкил этишни ва янги фаолият шакллари, тамойилларини яратишни ҳамда микродий кўрсаткичлари ва нисбатларининг ўзгаришини талаб қилмоқда.

*Dots. M. T. Alieva,  
A. Ikromov, TDIU*

### ***"O'ZBEKTURIZM" milliy kompaniyasining milliy sayyohlik imkoniyatlarimizni oshirish yo'lidagi izlanishlari***

"O'zbekturizm" milliy kompaniyasi turizm sohasidagi vakolatli davlat organi hisoblanib, o'z faoliyati to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga hisob beradi. Kompaniya tizimiga quyidagilar kiradi: Samarqand, Buxoro, Xorazm mintaqaviy bo'limlari; viloyatlari markazlaridagi sayohat va ekskursiyalar byurosi davlat korxonalari; "Respublika ilmiy-o'quv konsalting markazi" davlat korxonasi, "Distpecherlashtirish va xizmat ko'rsatish markaziy boshqarmasi" davlat korxonasi, tasarrufidagi boshqa tashkilotlar. Kompaniya o'z faoliyatida O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasiga va qonunlariga, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi qarorlariga va boshqa hujjatlariga, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonlari, qarorlari va Farmoyishlariga, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi qarorlari va Farmoyishlariga, shuningdek "O'zbekturizm" milliy kompaniyasi to'g'risidagi nizomga amal qiladi. Kompaniya o'z faoliyatini davlat boshqaruvi boshqa organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari, jamoat birlashmalari va boshqa tashkilotlar

bilan o'zaro hamkorlikda amalga oshiradi. Markaziy apparat, mintaqaviy bo'limlar ta'minoti xarajatlarini moliyalashtirish litsenziyalar berish to'g'risidagi arizalarning ko'rib chiqilganligi, litsenziyalarning qayta rasmiylashtirilganligi va litsenziyalar dublikatlari berilganligi uchun yig'imdan, o'z xo'jalik faoliyatidan tushumlar, budjetdan tashq'ari turizmni rivojlantirish jamg'armasi mablag'larining bir qismi hamda qonun hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobiga amalga oshiriladi. Iqtisodiyotimizni barqaror rivojlantirishda xizmat ko'rsatish sohasi tobora katta rol o'ynamoqda. Bizga ma'lumki, o'tgan yilning boshida 2013-2016 yillarda qishloq joylarda xizmat ko'rsatish va servis sohasini jadal sur'atlar bilan rivojlantirish yuzasidan qo'shimcha chora-tadbirlar dasturi ishlab chiqildi. 2013-yilda xizmat ko'rsatish bo'yicha 13 mingdan ortiq korxonalar, jumladan, savdo-maishiy komplekslar, minibanklar va sug'urta kompaniyalari filiallari va boshqa korxonalar tashkil etildi.

2013-yil yakunlariga ko'ra, ko'rsatilgan xizmatlar hajmi 13.5 foizga, ularning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi esa 2000-yildagi 37 foizdan 53 foizga o'sdi.

Bu raqam va ko'rsatkichlar mamlakatimiz xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirishda taraqqiy topgan ko'pgina davlatlar darajasiga tobora yaqinlashib borayotganining yaqqol misolidir.

"O'zbekturizm" milliy kompaniyasi shu kunlarda O'zbekistonda turizmni rivojlantirish bo'yicha yangi loyihani ishlab chiqmoqda va bu bilan yurtimiz turistik salohiyatini ko'tarish, yangi ish o'rinlarini ochish rejalashtirilgan. Turizmning ushbu turi ko'pchilik ta'savvuridagi tabiiy sharoiti noyob hududlarda, plyajlarda odamlarning mavsumga bog'liq holda kelib hordiq chiqarishi, yoki tarixiy obidalarni ziyorat qilishi emas, balki bugungi kunda turizm mavsumga bog'liq bo'lmagan, turli sohalar bilan uyg'unlashgan, bir qarashda turizm emas iqtisodiyotning boshqa sohalariga tegishli bo'lib ko'rinishi mumkin turini ham jadal rivojlantirish maqsad qilib qo'yilgan. Masalan, tibbiyot turizmi o'zida tibbiyot va turizmni uyg'unlashtira olgan yangi bir yo'nalish hisoblanadi. Bu yo'nalishning afzalligi shundan iboratki daromad keltirishiga ko'ra hech qanday mavsumni talab qilmaydi. Bugungi tibbiyot rivojlangan markazlar sifatida Rossiya, Germaniya, AQSh, Yaponiya, Koreya va Hindiston kabi mamlakatlarni misol qilib keltirish mumkin, lekin tibbiyotni turizm darajasiga ko'tarishga kam sonli davlatlarga erishgan. Germaniya va Hindiston ana shu kam sonli davlatlar qatoriga kiradi. Germaniya azaldan o'z tibbiyoti bilan maqtanarli natijalarga erishgan bo'lsa, Hindiston bu sohani yaqin yillarda jadal rivojlantira oldi. Germaniyadan ko'ra Hindiston bu tarmoqda o'z ustunligiga erishdi, ya'ni o'rta hol qatlam aholining imkoniyatlari yetadigan darajada narxlar belgilangan bo'lib va sifatni ham unutmadi. Hindistonda bu sohada faoliyat yurutuvchi Salves, Medlans, Medanta kabi yirik firmalar mavjud bo'lib, o'zining filiallarini dunyoning ko'pgina mamlakatlarida ochgan va mijozlarga o'z imkoniyatlarini namoyon qilib, ularni Hindistonga yubormoqda. Aynan yurak kasalliklari bo'yicha tibbiy jarroh narxlari 6,9 va 14 ming AQSh dollarini tashkil etadi. Bu narxlar turli firmalar tomonidan o'rnatilgan bo'lib narxlar orasidagi farqning asosiy sababi ko'pincha poytaht Dehliga gospitalning qanchalik yaqin bo'lishi bilan bog'liq. Yurtimizdan aynan shu xastalik bilan Hindistonga davolanishga borishi mumkin bo'lgan shaxslar uchun Toshkent–Dehli–Toshkent yo'nalishi bo'yicha havo biletleri bir million to'rt

yuz ming soʻmni tashkil etadi va u yerda mehmonxonalarning narxi oʻrtacha kuniga 50 AQSh dollarini tashkil etadi. Poytaht Dehli aeroportida davolanish uchun borgan shaxslarni kutib oluvchi hodimlar boʻlib, ular bemorlarni jip rusumidagi avtomashinalarda kasalxonaga hududiga eltib qoʻyishadi. Kasalxonaga birinchi toʻlov ikki ming AQSh dollarini tashkil etadi. Bu toʻlov bemorga tashxis, muolaja uchun toʻlanadi. Bemorning sherigi bemor bilan kasalxonada birga qolish narxi uch yuz AQSh dollarini tashkil etadi. Davolanish muddati oʻrtacha oʻn besh kunni tashkil etadi. Bu orada hindlar Toj mahal tarixiy obidasini ziyoratga taklif etadi. Bu oʻrtacha uch yuz AQSh dollarini tashkil etadi. Koʻrinib turibdiki daromad keltirishiga koʻra, valyuta tushimini koʻpaytirishiga koʻra tibbiyot turizmi yaxshi koʻrsatkichlarga ega.

Har yili juda koʻplab yurtdoshlarimiz aynan Hindistonga shifo istab sayohatga ketishmoqda. Umumiy talab boʻlgan bir sharoitda mavjud mijozlarni oʻzimizda olib qolib bu sohani rivojlantirishda ajoyib imkoniyatlarimiz bor. Davlatimiz tomonidan sogʻliqni saqlash maqsadlarida beriladigan kreditlar ham mamlakatimiz hududidagi kasalxonalar uchun koʻproq beriladi, bu bilan oʻz imkoniyatlarimizni kengligini koʻrishimiz mumkin. “Oʻzbekturizm” milliy kompaniyasi hozirgi kunda bu loyihaning aniq hisob kitoblari va horijdan mijozlarni jalb qilish yoʻllarini ishlab chiqmoqda.

Ayni paytda xalqaro turizm daromad keltirish boʻyicha avtomobil, neft, gaz ishlab chiqarish sanoatidan keyin uchinchi oʻrinni egallaydi. Negaki turizm XXI asrda jadal rivojlanayotgan iqtisodiyot tarmoqlaridan biriga aylandi. Butun jahon turizm tashkilotining yaqinda eʼlon qilgan statistik maʼlumotlariga koʻra, 2011-yilda 1 milliarddan ortiq sayyoh xalqaro safarga chiqqan va mazkur holat xalqaro turizmning yillik pul aylanmasi 4 trillion 500 milliard yevroga yetishiga sabab boʻlgan.

Tadqiqotlardan maʼlum boʻlishicha, turizm jahon yalpi ichki mahsulotining 5 foizini, jahon servislari eksportining esa 30 foizini va rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiy faoliyatining 45 foizini tashkil etadi. Shuning uchun ham “Oʻzbekturizm” milliy kompaniyasi sohada doimiy izlanishlar, yangiliklarga qoʻl uradi. Oʻzbekiston milliy sayyohlik ramzida anʼanaviy timsollar – tizma togʻlar, hilol va gumbaz tasvirlari mujassamlashtirilgan.

Rasmiy maqomga ega Oʻzbekistonning sayyohlik brendini mamlakatdagi sayyohlik kompaniyalari targʻibot-tashviqot maqsadidagi va sohaga oid tadbirlarda erkin foydalanishlari mumkin.

Mazkur tasvirni ishlab chiqish jarayonida sharqona, milliy ruhda husnixatdan foydalanilgan. Bu Oʻzbekistonning afsonaviy Sharqning timsoli sifatida “Buyuk Ipak yoʻli”lari tutashgan markazda joylashgan-ligini, shuningdek, oʻzida tarixni mujassam etgan holda mamlakatning yangi ming yillikdagi oʻziga xos taraqqiyot yoʻlini anglatadi.

Tasvirning badiiy qismidagi chizgilar Oʻzbekistonning tarixiy, maʼnaviy va madaniy, sayyohlik markazi sifatidagi tushunchalarni mujassam etgan:

- “hilol” yoki yangi oy – milliy qadriyatlar va anʼanalarning umrboqiyliqi, sofligi va yangi kun ramzidir;

- “togʻlar” – mamlakatning baland togʻlar va ulugʻ daryolar orasida joylashganligidan dalolat beradi. Chotqol, Hisor tizma togʻlari, Nurota, Qamchiq kabi

o'nlab osmono'par tog'lar betakror tabiati, mo'jizali manzaralari bilan sayyohlarning e'tiborini tortadi.

- "gumbaz" – mamlakatda qadimdan saqlanib kelayotgan ko'plab diniy madaniyat obidalari, qadamjolar, me'moriy-tarixiy binolarga ishoradir.

Ushbu ramziy ifoda o'zida sharqona tarix – madaniyatlar mushtarakligi, buyuk moziy, hayratlanarli nabotot olami kabi bir qator tushunchalarni uyg'unlashtiradi va sayyohlarda O'zbekiston haqida yorqin taassurotlar uyg'otadi.

2011-yilning dastlabki ikki oyida boshqa davlatlarni kelib ko'rgan kishilar soni 2010 yilning shu davriga nisbatan besh millionga ortib, 124 millionga yetdi. 2011-yilda xalqaro turizmdan ko'riladigan foyda 900 mlrd. doll. ko'rsatkichlaridan oshib ketganligi ta'kidlash mumkin. Yurtimizda esa 2003-yilda o'rtacha bitta turistga to'g'ri keladigan valyuta miqdori 74,5 AQSh dollarini tashkil etgan bo'lsa, 2005-yil 93,2 AQSh dollari va 2010-yilda 107 AQSh dollarini tashkil etdi. 2013-yilning yanvar-martida turizm eksporti hajmi 155,5 mln. AQSh dollarini yoki 2012-yilning shu davriga nisbatan (119,5 mln. AQSh dollarini) 130,2 foizni tashkil qildi. Pullik xizmat ko'rsatish – 116,2 %ni tashkil etgan. 2012 –yilda tovarlar va xizmatlar eksportining hajmi o'tgan yilning yanvar-iyun davriga nisbatan 1,1 %ga ko'paydi. Respublikaning umumiy eksporti tarkibida turizm eksportining ulushi 4.0 %ga (2011-yilda – 3.2 %) teng bo'ldi. Iqtisodiyotning bu sohasi tabiiy resurslar tugayotgan bir vaqtda ahamiyati ortib, kichik turlari ham rivojlanib, iqtisodiyotda investitsiyani katta qismini jalb qilmoqda.

*Д. Абидова,  
О. Хуррамов*

### ***Республикада ички туризмни ривожлантиришдаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар***

Туризм саноати 2000 йилдан буён жаҳонда товар ва хизматлар экспорти бўйича автомобиль, кимё, озик-овқат, электрон саноатини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаб келмоқда, – дейди Ф. Ризаев. Айни пайтда дунёда 195 миллиондан зиёд киши ёки иш билан банд аҳолининг 8 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилаётир. Жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмдан тушаётган даромад 1 триллион АҚШ долларидан ошади. Жаҳон саёхлик ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунёда саёхлар оқими йилига 4-5 фоизга кўпаймоқда. 2012 йилда Ер юзида уларнинг сони илк бор 1 миллиарддан ошди<sup>34</sup>.

Президентимиз Ислом Қаримов раҳнамолигида мамлакатимизда туризм саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ўзбекистонда туризм соҳасини ижтимоий-иқтисодий комплекснинг муҳим таркибий қисmlаридан бирига айлантириш учун барча шароит мавжуд. Ушбу соҳа янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, валюта ва солиқ тушумлари кўпайишида муҳим ўрин тутмоқда.

<sup>34</sup> www.uzbekturizm.uz.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туризм ва саёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, миллий туристик хизматларни халқаро саёҳлик бозорларига фаол тақлиф этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон ўзининг бой тарихий-маданий мероси, ноёб моддий ва номоддий маданий қадриятлари, меъморий обидалари, замонавий шаҳарлари билан халқаро саёҳлик бозорида алоҳида мавқега эга. Бой ўтмишимиздан далолат берадиган қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон шаҳарларидаги замонавий бинолар, жойларда фаолият кўрсатаётган миллий хунармандлик марказлари ушбу ҳудудларда нафақат халқаро, балки ички туризмни ҳам ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Самарқанд бу борада муҳим ўрин тутди. Ҳақли равишда “Ер юзининг сайкали”, “Шарқ гавҳари” деб аталадиган қадимий ва ҳамиша навқирон ушбу шаҳар азалдан илм-фан, савдо ва хунармандчилик маркази бўлиб келган. Утган йиллар мобайнида бу ерда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Регистон, Амир Темур, Рухобод мақбаралари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Ҳазрати Хизр ва Бибихоним масжидлари, Мирзо Улугбек обсерваториясини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик саёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз саёҳлик ташкилотларининг Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Токио ва Лондонда ўтказилаётган йирик халқаро саёҳлик кўргазмаларида иштирокини таъминлашга доир ишлар амалга оширилмоқда.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси бундай кўргазма ва ярмаркаларда мамлакатимиз саёҳлик компанияларининг ягона “Ўзбекистон” миллий стенди остида иштирок этишини ташкил қилиш бўйича асосий мувофиқлаштирувчи ҳисобланади. Бу борада “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ва “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси бизнинг асосий ҳамкорларимиздир.

Ҳозир “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан мамлакатимиз саёҳлик салоҳиятини халқаро миқёсда кенг ва фаол тарғиб этиш, ушбу кўргазмаларда намоён қилинадиган “Ўзбекистон” миллий стенди самарадорлигини таъминлаш учун стенд дизайни ишлаб чиқилмоқда.

Халқаро ярмаркаларда Марказий Осиёдаги асосий саёҳлик йўналиши сифатида Ўзбекистоннинг обрў-этиборини янада ошириш мақсадида стендининг ранг-баранглигини таъминлаш, унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини кенг тақдим этиш, миллий анъана ва қадриятларимизни намоён қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йирик халқаро кўргазмаларда қатнашиш мамлакатимиз саёҳлик ташкилотларига хорижий ҳамкорлар билан туризм соҳасида янги алоқалар ўрнатиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини бераётир.

Ўзбекистон Жаҳон саёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. ЮНВТОнинг 2011 йил октябрь ойида Жанубий Кореяда ўтган Бош ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси иккинчи марта БМТ Жаҳон саёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу мақомга дунёнинг кам сонли давлатлари сазовор бўлади. Мамлакатимизнинг мазкур ташкилотга аъзолиги доирасида ва халқаро майдонда тарихий-маданий меросимизни оммалаштириш, шунингдек, туризм саноатини ривожлантириш мақсадида 2014 йилнинг октябрь ойида Самарқандда ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон делегацияси Жаҳон саёҳлик ташкилоти тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, делегациямиз шу йил май ойида Жаҳон саёҳлик ташкилоти ижроия кенгашининг Белград шаҳрида (Сербия) бўлиб ўтган 95-сессиясида иштирок этди. Мазкур тадбирда “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг таркибий бўлин-маси – “Буюк ипак йўли” реклама агентлиги” давлат унитар корхонаси ЮНВТОга аъзо бўлди. Буларнинг барчаси халқаро майдонда компаниямиз ва умуман, Ўзбекистон обрўсини янада оширишга хизмат қилаётир ва Жаҳон саёҳлик ташкилотининг меъёрий базаси ҳамда кутубхонасидан фойдаланиш имконини бермоқда<sup>35</sup>.

Жорий йилда Ўзбекистоннинг дипломатик миссиялари кўмагида хорижда мамлакатимиз саёҳлик ва инвестиция салоҳиятининг тақдимотлари ўтказилди. Бугун Ўзбекистонда саккиз юздан зиёд саёҳлик корхонаси, жумладан, беш юздан ортик мехмонхона, саёҳлик базалари ва кемпинглар, қарийб уч юзта саёҳлик компанияси фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида саёҳликни ривожлантириш ва саёҳлик хизматлари экспорт салоҳиятини оширишга доир манзилли тадбирлар дастури тасдиқланган.

Саёҳлик йўналишларини диверсификация қилиш, чет эллик ва маҳаллий саёҳларга таклиф этиладиган альпинизм, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, off-road саёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми каби янги саёҳлик йўналиш ва дастурларини ишлаб чиқиш ишлари самарали амалга оширилмоқда.

Яқинда “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази, “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи ва Германиянинг DVV халқ университетлари ассоциацияси филиали томонидан Ўзбекистон фуқаролари ва чет эллик саёҳлар учун мўлжалланган “Тошкентда Сталин қатағони шаҳидлари: архитектура ва одамлар” номли янги китобча ва тўртта янги йўналиш тақдимоти ўтказилди.

Тақдимотдан кўзланган асосий мақсад пойтахтимиздаги ўн олти объектни ўз ичига олган янги маданий-таништирув экскурсиясини намойиш этиш ва қатагон йилларида халқимиз бошдан кечирган фожиалар, шунингдек, мустакил Ўзбекистоннинг янги тарихи ҳақида кенг маълумот бериш, демократик жамият барпо этиш босқичлари билан таништиришдан иборатдир. Мамлакатимизда саёҳликнинг янги турларини ривожлантириш бевосита ушбу соҳада кадрлар

<sup>35</sup> www.uzbekturizm.uz

тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ. Шу мақсадда “Ўзбекитуризм” миллий компанияси ҳар йили саёҳлик соҳасида таълим олаётган ўқувчилар, соҳада меҳнат қилаётган ўқитувчилар ва ходимларнинг Европа ҳамда Осиёнинг йирик саёҳлик марказлари ва ўқув юртларида малака оширишига ёрдамлашмоқда.

*И.ф.н., доц. С.Р. Сафиева,  
ТДИУ*

### *XXI аср туризмининг ўзига хос жиҳатлари*

XX аср охирига келиб туризм халқаро ташқи иқтисодий алоқаларда етакчи ўрин эгаллади, айрим мамлакатлар иқтисодиёти ва жаҳон ҳўжалигининг ривожланиш жараёнига кучли таъсир кўрсата бошлади, ялпи ички маҳсулотни яратишга туризмнинг таъсири ҳам кучайди. Айни шу сабабли туризм «XX аср феномени» деган ном олди.

Ўзага келаётган ғов-тўсиқлар (табиий офатлар, техноген халокатлар, террорчилик актлари ва бошқ.)га қарамай, туризм ҳозирги вақтда ҳам жадал сурьатларда ривожланишда давом этаётир. Саёҳатларни ташкил этиш шакллари ва усуллари ўзгармоқда, туризмнинг янги турлари пайдо бўлмоқда, туризмни барқарор ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ахборот олиш имкониятлари кенгайиши муносабати билан туристлар саёҳатларни тайёрлаш жараёнига янада фаолроқ аралашмоқдалар.

Сўнги йилларда туризм тармоғида кузатилаётган жараёнлар бундан буён туризмни ривожлантириш инновацияларни амалга кенг жорий этиш орқали амалга оширилишидан далолат беради. Туризмнинг ривожланишига техника тараққиёти, базавий инновациялар (нанотехнологиялар, биотехнологиялар ва бошқ.)нинг пайдо бўлиши ва амалга жорий этилиши, билимлардан кенг фойдаланиш анча кучли таъсир кўрсатади.

Бунга жаҳон цивилизацияси, шу жумладан туризмни барқарор ривожлантириш учун кураш ҳам имконият яратади.

Туризмнинг барқарор ривожланиши – бу туризм соҳасининг ўз миқдор ва сифат кўрсаткичларини узоқ вақт мобайнида саклаб қолиш, яъни резидентлар ва туристлар умидини ҳам қисқа, ҳам узоқ давр мобайнида, ушбу ходисадан манфаатдор бўлган ҳудуддаги атроф-муҳитга зиён етказмасдан оқлаш қобилиятидир.

Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси қабул қилган «Туризм Хартияси ва Турист Кодекси» деб номланган ҳужжатда: «Маҳаллий аҳоли туризм ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда, ўзини қуршаган табиий ва маданий муҳитни асраб-авайлашни ўз муносабати ва ҳуқуқлари билан таъминлаши лозим. У туристлардан инсоният меросининг таркибий қисми саналган ўз урф-одатлари, динини ва маданиятининг бошқа томонларини тушуниш ва ҳурмат қилишни кутишга ҳақлидир», деган қоида мустаҳкамланган.

Туристлар ўзлари қабул қилувчи тарафнинг меҳмонлари эканлигини англаган ҳолда, ўзлари бўлиб турган жойдаги табиий ва маданий бойликларга қатта ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, ўзлари ва маҳаллий аҳоли ўртасида мавжуд бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий фарқларни таққослашдан ўзларини тийишлари лозим. Туристларнинг бундай хулқ-атвориға қуйидагилар тўғрисида олдиндан (сафарға чикқунга қадар) олинган ахборот кўмаклашиши мумкин: а) маҳаллий аҳолининг урф-одадлари, унинг анъанавий ва диний фаолияти, маҳаллий асори-атиқалар ва тақиқлар тўғрисида; б) саёхат жойининг бадиий, археологик ва маданий бойликлари, унинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, муҳофаза қилиниши ва авайлаб асралиши лозим бўлган бошқа табиий ресурслари тўғрисида.

1989 йил апрелда Туризм бўйича парламентларо конференция Гаага декларациясини қабул қилди. Декларацияда қуйидагилар таъкидланади: «Туризм ва атроф-муҳит ўртасида мавжуд бўлган чуқур ўзаро алоқани ҳисобга олган ҳолда, қуйидагиларни амалга ошириш зарур: БМТ Бош Ассамблеяси маъқуллаган “барқарор ривожланиш” концепциясига мувофиқ туризмни ривожлантиришни кенг кўламли режалаштиришга кўмаклашиш; туризмнинг туристлар ва қабул қилувчи аҳоли ўртасида янада яқинроқ алоқа ўрнатиш ва тил топишга кўмаклашадиган, маданий ўзига хосликни асраш имконини берадиган, ранг-баранг ва бетакрор туристик маҳсулотлар ва объектларни тақлиф қиладиган муқобил шакллари ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, мазкур мақсадларга эришишда давлат ва хусусий секторларнинг зарурий ҳамкорлигини ҳам миллий, ҳам халқаро даражада таъминлаш».

Қуйидагилар туристик компанияларнинг вазифалари ҳисобла-нади: барқарорлик ғояларини менежментга киритиш тизимлари ва тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш, туризмни бақарор ривожлантириш принципларини амалга ошириш учун фаолият йўналишларини белгилаш. «Саёхатлар ва туризм соҳаси учун ХХI аср кун тартиби»да таъкидлаб ўтилганидек, иқтисодий, ижтимоий, маданий мезонлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бир-бири билан боғлаб ўрганиш барча бошқарув қарорларининг таркибий қисми ҳисобланиши. мавжуд дастурларга янги элементларни киритишдан олдин уларга устунлик берилиши лозим. Компаниянинг бутун фаолияти (маркетингдан тартиб сотувларга қадар) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, асраш ва тиклаш дастурларининг таъсири остида бўлиши керак.

Сўнги йилларда туризм компаниялари ва корхоналари, айниқса жойлаштириш воситаларининг экологик ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи махсус усулларни қўллашга аста-секин, лекин кенг кўламли ўтиши кузатилмоқда. Ихтиёрийлик тамойилларига асосланган сертификатлаштириш тизимлари, экологик тағғалаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги фаолият учун муқофотлар, хулқ-атвор кодекслари тобора кенг қўлланилмоқда ва тарқалмоқда.

2000 йилда таникли туроператорлар, БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури (ЮНЕП), БМТнинг Таълим, фан ва маданият бўйича комиссияси (ЮНЕСКО) ва Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) иштирокида,



«Туризмни барқарор ривожлантириш учун туроператорлар ташаббуси» деб номланган ихтиёрий ноtijорат уюшмасини туздилар. Мазкур уюшма иштирокчилари орасида TUI Group (Германия), Hotelplan (Швейцария), First Choice (Буюк Британия), ACCOR (Франция) компаниялари ва бошқа туристик корхоналар бор. Ушбу ташкилот катта-кичиклиги ва географик ўрнидан қатъи назар туризм соҳасининг барча иштирокчилари қўшилиши учун очик.

Жаҳон туризм ташкилоти «Саёхатлар ва туризм соҳаси учун XXI аср кун тартиби»да баён этилган туризмни барқарор ривожлантиришга оид қоидаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Кўпгина манфаатдор мамлакатлар иштирокида «Буюк Ипак йўли» тадбири фаол амалга оширилмоқда. 2002 йил августда, Йоханнес-бургда ўтказилган Барқарор туризм бўйича бутунжаҳон саммитида ЮНВТО ва ЮНКТАДнинг «Барқарор туризм – қашшоқликка барҳам бериш гарови» (Sustainable Tourism – Eliminating Poverty – ST-EP) деб номланган қўшма дастури маъқулланди. Дастур икки вазифани ҳал қилишга: туризмни барқарор ривожлантириш ва қашшоқликка барҳам беришга қаратилган.

Туризм барқарор ривожланиши учун мазкур жараёнда иштирок этаётган субъектларнинг ҳаммаси, барча даражаларда ўз вазифасини масъулият ва ўзаро ҳурмат билан бажаришлари керак – фақат шундай туризм амалда барқарор бўлиши мумкин. Бундан туризмнинг янги тури – ижтимоий масъул туризм келиб чиқади. Унинг фалсафаси жаҳон мамлакатлари миллий ўзига хослик асосида бирлашишлари, маҳаллий аҳолининг турмуши ва урф-одатлари билан туристларни таништириш учун маданий анъаналарни айирбошлашни назарда тутаети.

*доц. Ф.Н. Эрназаров,  
ТДИУ*

### ***Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти даврида таълим ва ташиқ маданий алоқаларининг имкониятлари***

Маданий алоқалар соҳасининг тадрижий тақомили борасида сўз кетганда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, совет ҳокимияти йилларида бу соҳадаги халқаро алоқалар коммунистик мафкура асосида олиб борилганини алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, социалистик ижтимоий тизим ўрнатилиши-нинг дастлабки даврлариданоқ, большевиклар партиясини раҳбарияти Ўзбекистонни ва умуман бутун Ўрта Осиёни чекка ва қолоқ ўлкалар деб ҳисоблаган. Шундан келиб чиқиб, бу ўлка фақат илғор халқларнинг ёрдами билангина қолоқликни енгиши мумкин, деган ақидани ҳаётга татбиқ этишга киришилган.

Совет тузуми даврида Ўзбекистон ўзининг иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш имконига эга бўлишига қарамай, тоталитар бошқарув тизими бунга йўл қўймас эди. Натижада, собик Иттифок иқтисодиётининг марказлашганлиги, режали-таксимлаш сиёсат билан биргаликда Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётига путур етказиб, умумиттифок халқ хўжалигининг хомашё

манбаига айлантирди. Мамлакат ичидаги маданий ҳаёт ҳам мана шундай тизим асосида шакллантирилди.

Собиқ Иттифоқ халқлари, шу жумладан Ўзбекистон ҳам совет-коммунистик мафкураси ҳукмрон бўлган даврда маънавий-руҳий соҳада ҳам қийинчиликларга дучор бўлган. Ушбу мафкура миллий маданиятларнинг кенг ёйилишига ва умуминсоний маданиятларга дахлдорликка йўл қўймас эди.

Бироқ марказий органлар томонидан давлат бошқарувининг қатъий тартиби ўрнатилганлигига қарамай, ўтган давр мобайнида ўзбек халқи нафақат собиқ Иттифоқда, балки халқаро майдонда ҳам танилишга муваффақ бўлди. Ўзбек халқининг ана шу хусусиятини алоҳида таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов шундай деган эди: “Диёримиз кишилари қадим замонлардан ўзларига маълум бўлган инсоният билан ҳамфикр бўлиб келдилар, яқиндан алоқа боғлаб яшадилар”<sup>36</sup>. Ана шу жиҳатдан, яқин ва узоқ халқлар ҳаётига бўлган қизиқиш, улар билан ҳамкорликка интилишни ҳатто тоталитар совет давлати ҳам йўқ қила олмаган.

Собиқ Иттифоқ Конституциясига кўра иттифоқчи республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам суверен республика сифатида халқаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ ушбу ҳуқуқ амалда ўз ифодасини топмади. Бу эса шундан далолат берадики, суверен республикалар конституциявий ҳуқуқ-ларининг эълон қилиниши фақат ташвиқот-тарғибот тусига эга бўлган. Шу сабабли, Ўзбекистон тоталитар совет давлатининг қатъий доирасида бўлгани ҳолда халқаро майдонга бевосита чиқиш имконига, ўзининг ташқи сиёсий маҳкамаларига эга бўлмаган, унга мустақил равишда ташқи алоқалар ўрнатиш ҳуқуқи берилмаган. Халқаро алоқалар фақат Москванинг руҳсати билан ва унинг қатъий назорати остида амалга оширилган. Натижада, республиканинг ташқи алоқалари синфий-мафкуравий йўналтирилганлиги ва деформацияланганлиги билан ажралиб турган.

Ўзбекистоннинг совет давридаги чекланган ва деформацияланган халқаро алоқалари динамикаси ва характери бевосита совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати билан белгиланганлиги вақт ўтган сайин тобора яққолроқ кўринмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистон ўзбек халқининг жаҳон маданияти билан кўп асрлик алоқалари узилиб қолмаслиги учун бор имкониятларини ишга солган. Ушбу жараён ўзбек халқининг собиқ Иттифоқ ва хорижий мамлакатлар савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликка қўшган ҳиссасида ҳам намоён бўлади. Халқаро ҳамкорликнинг ана шу шакли орқали Ўзбекистон ташқи дунё билан алоқаларини сақлай олган. Бу ўринда республикамиз қадимдан тарихий алоқалар ўрнатилган давлатлар билан ўзаро муносабатларни сақлаш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берган.

Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари муносабатларининг илдизи қанчалик чуқур бўлмасин, совет даврида улар чекланган табиатга эга бўлган. Ушбу даврда Ўзбекистон Осиё мамлакатлари билан муносабатларини собиқ Иттифоқнинг синфий ёндашувга асосланган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув

<sup>36</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд. 78-б.

тизимининг ташки сиёсий ақидаларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш мумкин эди. Бунда унитар давлатнинг ташки сиёсий фаолият органларининг рухсати билангина Ўзбекистон ССР ва Осиё мамлакатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисо-дий ва маданий соҳадаги ҳамкорликда эпизодик тарздагина иштирок этиши мумкин эди.

Сиёсий соҳада бунга яққол мисол сифатида Ўзбекистоннинг Ҳиндистон – Покистон ихтилофини ҳал этишга қўшган ҳиссасини келтириш мумкин. Маълумки, Ҳиндистон мустақиллиги эълон қилинган, ушбу давлат билан Покистон ўртасида икки марта – 1947–1948 йиллар ва 1965 йилда икки мамлакатга чегарадош бўлган Кашмир ҳудуди туфайли қуролли тўқнашувлар содир бўлган<sup>37</sup>. Фақат тинчликсевар мамлакатларнинг хатти-ҳаракати оқибатида уруш тўхтатилиб, Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларининг 1966 йил январида Тошкентдаги учрашуви бўлиб ўтган<sup>38</sup>. Бунинг учун айнан Ўзбекистон пойтахти танланганлиги бежиз эмас. Бу бир томондан, ҳар икки халқнинг кўп асрлик тарихи, маданияти ва турмуши ўхшаш эканлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, бу ўзбек халқининг тинчликсевар позицияси, можароли вазиятларни ечишда ўз ёрдамини аямаслигидан далолат беради.

Осиёнинг икки давлати етакчиларининг Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган учрашуви Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларни тиклаш учун асос яратган Декларациянинг имзоланиши билан якунланди. Айни пайтда, республикамизнинг можароли вазиятни ҳал этишга қўшган ҳиссаси ўзбек-ҳинд муносабатлари ривожид алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, ушбу сиёсий воқеа оқибатида Ўзбекистон Ҳиндистоннинг энг янги тарихидан ҳам ўрин олди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалари хусусида сўз кетганда, шуни қайд этиш лозимки, бунда республика олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртларида кадрлар тайёрлаш алоҳида ўрин туган. Совет даврининг охирига келиб, ҳар йили республикамизда 24 олий ўқув юрти ва корхоналарда 10 та мутахассислик бўйича 74 давлат вакиллари таълим олган. Булар орасида асосан Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкаси мамлакатлари вакиллари бор эди<sup>39</sup>. Ўзбекистоннинг бундай ёрдами яқинда мустам-лакачилик зулмидан озод бўлган ушбу мамлакатларда олий ва ўрта махсус таълим асосларини шакллантиришга ёрдам берган.

Бирок халқаро ҳамкорликнинг мазкур йўналишидаги ютуқлар билан биргаликда жиддий салбий оқибатлари ҳам кузатилди. Улар шунда ифодаланар эдики, Ўзбекистон амалда мустақил бўлмагани туфайли кадрлар тайёрлаш асосан бир ёклама тусга эга эди.

Совет давридаги Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқаларининг алоҳида хусусияти яна шундан иборат эдики, халқлараро кўп

<sup>37</sup>Ғиёсов Т. Бугунги Ҳиндистон. – Т.: Ўзбекистон, 1981, 9-б.

<sup>38</sup>Ғиёсов Т. Қўшилмаслик характери-тинчлик ва халқаро хавфсизлик омили. – Т.: Ўзбекистон, 1984, 20-б.

<sup>39</sup> Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Т.: Чулпон, 2002, с. 22-23.

асрлик маданий-маънавий алмашинув анъаналари сақланиб қолган эди. Бирок, коммунистик мафкура ҳукмронлиги шароитида республиканинг маънавий ҳаётига жиддий таъсир ўтказилди. Маданиятнинг мафкуравийлашуви, асрий тарихий ва маънавий меросни халқ хотирасидан ўчиришга интилиш, миллий ва умуминсоний қадриятлардан узилиб қолиш ўзбек халқининг дунё маданий ҳудудига кириб бориши ва интеграциялашуви йўлини тўсиб қўйди.

Ўша даврнинг салбий воқеликларига қарамай, ўзбек халқи хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатишда қатъийлик кўрсата олган. Айниқса, анъанавий равишда қарор топган кўпгина маданий тадбирларда бу ҳол яққол намоён бўлади. Ушбу алоқалар “Маданият кунлари”, ижодий жамоалар фестиваллари, тасвирий санъат кўргазмаларини ўтказишда, мусиқа ва театр санъати вакиллари билан учрашувларда ва ҳоказоларда намоён бўлади<sup>40</sup>.

Масалан, тинчлик ва халқлараро дўстлик шиори остида республика ҳамдўстлик кўмитаси ташаббуси билан Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали ўткази-ладиган бўлди. Ушбу тадбир 1968 йилдан буён икки йилда бир маротаба Ўзбекистон пойтахтида ўтказиб келинди<sup>41</sup>. Бу эса уч қитъа мамлакатлари кинематографлари учун ижодий фикр алмашиш, шунингдек, ўзаро маънавий ҳаёт ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконини берар эди. Ушбу асосда таниқли ўзбек ва ҳинд кино-санъаткорлари иштирокидаги қўшма кинофильмларни яратиш жараёни бошланди. Ана шундай фильмлар сирасига “Али бобо ва қирқ кароқчи”, “Севги ҳақида афсона” ва бошқа фильмларни киритиш мумкин<sup>42</sup>.

Ўзбекистоннинг, айниқса, Осиё мамлакатлари билан маданий алмашинувида адабий алоқалар алоҳида ўрин эгаллаган. Бунга 1958 йил 7-13 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференцияси туртки бўлди. Унда “Тошкент руҳи” туғилди ва Ўзбекистоннинг мавқеи янада ошди. 50 дан зиёд давлат вакиллари иштирокида ўтказилган ушбу ёзувчилар конференциясида 200дан ортиқ адабиёт намоёндалари ташриф буюриб, Осиё минтақаси мамлакатларидан 19 та давлат вакиллари мавжуд эди<sup>43</sup>.

Мазкур конференция дунё аҳлида нихоятда катта қизиқиш уйғотди, чунки мазкур анжуманда халқларнинг тинчлик, озошлик ва демократияга бўлган интилиши бор кучи билан намоён бўлди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Осиё минтақаси мамлакатлари ёзувчилари томонидан янги адабий жанрлар ўзлаштирилди, асарлар маҳаллий халқлар тилларига ўғирилди. Оқибатда ўзбек адибларининг асарлари хориж китобхонлари ўртасида қизиқиш уйғотганлиги маълум бўлди. Уларнинг айримлари эса юксак мукофотларга сазовор бўлишди.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикасининг Марказий давлат архиви (Кейинги ўринларда – ЎзР МДА), Йиғма жилд-2661, 1-руйхат, 187-сақлаш, 186-варақ.

<sup>41</sup> ЎзР МДА, Йиғма жилд, 2661, 1-руйхат, 187-сақлаш, 188-варақ.

<sup>42</sup> ЎзР МДА, Йиғма жилд, 2661, 1-руйхат, 187-сақлаш, 212-варақ.

<sup>43</sup> Маматхонов М. СССРнинг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқасида Ўзбекистоннинг ҳиссаси. -Т.: Ўзбекистон, 1982, 30-б.

Жумладан, Ҳиндистон билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун шоира Зулфияга Ж. Неру лауреати унвони берилди<sup>44</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари халқлари инсон-парварлик ва диний бағрикенглик гоёларига садокатнинг кўп асрлик анъаналарини сақлаган ҳолда давлатлараро мулоқотнинг серкирра шаклларини мустаҳкамлаш масалаларида қарашлар ва ёндашувлар бирлигини ҳозирги замон шароитларига ўтказишга эришдилар. Кўп асрлик мулоқот анъаналарининг ҳозирги замон шароитларига ўтишининг боришини кузатиб, айтиш мумкинки, маданий алоқалар халқларнинг қадимий анъаналари эканидан далолатдир. Аммо уларнинг кўп асрлик ижтимоий-сиёсий муносабатларига қарамай, мазкур мамлакатлар халқлари, давлатларга Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақилликка эришувигина минг йиллар давомида жаҳон мамлакатлари ўртасида анъанавий равишда қарор топган алоқаларни тиклаш, умуман, кўп томонлама фаол ташқи сиёсат юритиш имконини яратди.

*М. Тариқулов,  
Д. Маматқулов, ТДИУ*

### ***Жозибадор туристик йўналишлар ва уларнинг таснифланиши***

Туризм соҳаси кўплаб мамлакатлар иктисодиётининг асосий тармоғига айланиб улгурган. Чунки туризм соҳасидан келадиган даромад бевосита мамлакатга хорижий валюта кириб келишини таъминлайди. Туризм соҳасига туристларни жалб этиш эса, жозоба-дор туристик йўналишлар ишлаб чиқилиши билан боғлиқ. Туристик маршрутлар қанчалик жозибадор ва қизиқарли бўлса, шундагина мамлакатга туристларни жалб қила олиш мумкин.

Йўналишлар, турлар, экскурсия дастурларини шакллантириш, асосий, қўшимча ва йўлдош хизматлар кўрсатиш, туристик хизмат кўрсатиш технологиясини ташкил этади, яъни бу туристик хизматга бўлган эҳтиёжни қондириш учун муайян туристик маҳсулотни шакллантириш демак. Йўналиш бу:

- саёҳат пайтида турист ташриф буюрадиган барча жуғрофий жойлар белгиланган, йўналишда тўхташ жойлари ўртасида ҳаракатланиш учун турист фойдаланадиган транспорт турлари кўрсатилган ҳаракат йўналиши;

- турист ўзига белгиланган хизматлар кўрсатиш дастурига мувофиқ маълум вақт мобайнида ҳаракатланувчи олдиндан режалаштирилган трасса;

- муайян ҳудудга ва алоҳида объектларга боғланган, турли даражадаги муфассаллик билан тавсифланган ва график тарзида ифодаланган сафар, саёҳат трассаси.

Туристик йўналишлар – туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турларидан бири. Туристик ташкилотлар йўналишларни олдиндан ишлаб чиқади, уларга маълум хизматлар (овқатланиш, яшаш, экскурсиялар, спорт ва дам олиш тадбирлари, туристларни транспортда ташиш ва б.) комплексини киритади ва шу тарика туристик йўналишларни шакллантиради. Бироқ, сафар жойини аниқламасдан туриб туристик йўналишни сотиш мумкин

<sup>44</sup> ЎзР МДА, йиғма жилд, 2661, 1-рўйхат, 352-сакташ, 116-варақ.

эмас. Йўналиш тузилганидан кейин хизматлар кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузилади. “Хизматлар кўрсатиш занжири” ҳосил бўлиши учун уларни муайян муддатларга боғлаш лозим. Мана шу “хизматлар кўрсатиш занжири” туризмда тур деб аталади<sup>45</sup>.

Туристтик йўналиш ёки саёҳатнинг қисқача тавсифи – **кроки** (расмлар, хариталар, схемалар, объектларнинг матнли тавсифи). Саёҳатчи фаолиятининг моҳияти - саёҳат ҳақидаги қайдлар – саёҳат жараёнида келгусида хотира сифатида ёки мазкур йўналишни такрорлашда қўлланма тарзида фойдаланиш учун ёки шу йўналиш бўйлаб саёҳат қиладиган ёки мазкур объектларга ташриф буюрадиган бошқа туристлар ва саёҳатчилар учун тузилган туристик йўналиш ёки саёҳатнинг қисқача тавсифи.

Саёҳат бошланган ва якунланган жойлар йўналишнинг дастлабки ва охири нуктаси ҳисобланади. Йўналишнинг боши – туристга шартномада назарда тутилган биринчи туристик хизмат кўрсатиладиган жой. Йўналишнинг охири – туристга охири туристик хизмат кўрсатиладиган жой. Туристтик йўналишлар турли белгиларга кўра таснифланади<sup>46</sup>.

1. Турларга кўра қуйидаги йўналишлар фарқланади:

- тематик йўналишлар – дастурида экскурсия хизматлари кўрсатиш ва муайян мавзуда маърифий машғулотлар ўтказиш (музейларга кириш, халқ байрамларида иштирок этиш, тил ўрганиш ва ҳ.к.) асосий ўринни эгаллаган турлар;

- курорт-соғломлаштириш йўналишлари – дастурида дам олиш ва соғломлаштириш тадбирлари (курортда даволаш, профилактик даволаш, денгиз бўйида дам олиш, фитопроцедуралар ва ҳ.к.) асосий ўринни эгаллаган турлар;

- спорт йўналишлари – дастурида спорт тадбирлари ёки фаол ҳаракатланиш усуллари (сафарлар ва сайрлар, тоғ чанғисида учиб, велотурлар, рафтинг, саргузаштли экспедициялар ва б.) асосий ўринни эгаллаган турлар;

- аралаш йўналишлар – хизмат кўрсатиш дастуридан юқорида зикр этилган барча йўналишларнинг унсурлари ўрин олган йўналишлар.

2. Мавсумийлик жиҳатидан қуйидаги йўналишлар фарқланади:

- йил бўйи ўтказиладиган йўналишлар – йиллик иш графигига эга бўлган туристик йўналишларнинг барча турлари;

- мавсумий йўналишлар – йилнинг маълум фаслида ўтказиладиган йўналишлар (чанғи, сув, тоғ йўналишлари ва ҳ.к.). Масалан, дарё бўйлаб теплоходдаги турлар фақат навигация даврида ўтказилиши мумкин.

3. Трасса тuzилишига кўра чизикли, ҳалқали, радиал ва аралаш йўналишлар фарқланади. Чунончи:

- чизикли йўналиш – боши ва охири турли жуғрофий пунктларда жойлашган ҳаракат йўналиши. Масалан: Тошкент – Хоразм.

Кўпинча турист белгиланган жойга етиб келгач, бир мехмонхонада яшайди. бир ҳудуд доирасида экскурсияга ва бошқа сафарларга чиқади. Бундай

<sup>45</sup> Ирматов М.М. Алиева М.Т. ва бошқалар Туризмни режалаштириш. –Т. 2005. – 67 б.

<sup>46</sup> Юрєев А.П. Планирование туризма. Учебное пособие. – Донецк. 2005. –107 с.

Йўналиш ҳар куни юкини йиғиш ва чамадонлар ёки рюкзакларга жойлаштиришни, меҳмонхонама - меҳмонхона кўчиб юришни ёқтирмайдиган туристлар учун қулай;

- Ҳалқали йўналиш – боши ва охири бир жуғрофий пунктда жойлашган, маршрутда бир неча пунктларда тўхташ мўлжалланган ҳаракат йўналиши. Масалан: “Буюк Ипак йўли” (Тошкент – Самарқанд – Навоий – Бухоро – Хива – Шахрисабз – Қўқон – Тошкент).

- Радиал йўналиш – боши ва охири бир жуғрофий пунктда жойлашган (стационар), унда яшаб туриб, турист бошқа пунктларга сафар қиладиган ва саёҳатни бошлаган жойга қайтиб келадиган ҳаракат йўналиши.

- Аралаш йўналиш – чизикли, ҳалқали ва радиал йўналишларни муайян тарзда ўзида мужассамлаштирган ҳаракат йўналиши.

4. Давомийлигига қўра қуйидаги йўналишлар фаркланади:

- кўп кунлик (14-30 кунлик) йўналишлар;
- бир неча кунлик (1-3 кунлик) йўналишлар – дам олиш кунларида ташкил этиладиган йўналишлар;

- бир неча соатлик йўналишлар (экскурсиялар).

5. Йўналишдаги транспорт турига қўра:

- туристик фирманинг ўз транспортидаги йўналишлар – туристик фирма ёки компаниянинг транспорт хўжаликлари ихтиёридаги транспортда ўтказиладиган турлар;

- бошқа ташкилотлардан ижарага олинган (фраҳт қилинган) транспортдаги йўналишлар – туристик ташкилотлар (шартномага қўра) тур муддатига ёки хизмат кўрсатиш мавсумига ижарага олиб фойдаланаётган транспортда ўтказиладиган турлар. Ижарага олинган махсус транспорт воситалари сифатида туристик ташкилотлар денгиз ва дарё теплоходларидан, туристик-экскурсион поездларнинг махсус таркиблари, автобуслардан фойдаланади;

- туристик шахсий транспортидаги йўналишлар – автохаваскорлар (шахсий автомашина эгалари) учун махсус ишлаб чиқилган яқка тартибдаги ёки группавий турлар. Бунда туристларга йўналиш давомида барча хизматлар (автокемпингларда яшаш, овқатланиш, экскурсиялар, дам олиш, автомобилни таъмирлаш ва б.) кўрсатилади;

- умумий фойдаланиладиган транспортдаги йўналишлар – туристларни йўловчи ҳуқуқида ташишга мўлжалланган графикли йўловчи транспортда ўтказиладиган турлар. Умумий фойдаланиладиган транспортга график бўйича қатнайдиган поездлар, йўловчи ташийдиган самолётлар, теплоходлар, автобуслар қиради.

6. Ҳаракатланиш усулларига қўра:

- автобусдаги йўналишлар;
- теплоходдаги йўналишлар (денгиз, дарё йўналишлари);
- авиация йўналишлари;
- темир йўл йўналишлари;
- аралаш йўналишлар фаркланади.

## 7. Йўналиш мазмунига кўра:

- табиат кўйнида дам олиш;
- денгиз бўйида дам олиш;
- тоғда дам олиш;
- дам олиш ва балиқ ови фарқланади.

Туристтик саёҳат дастури – йўналишдаги тўхташ жойларида бўлиш, меҳмонхонада яшаш, туристик аҳамиятга молик жойларга уларни томоша қилиш (экскурсия) мақсадида ташриф буюриш, овқатланиш, шунингдек йўналиш дастурида назарда тутилган транс-порт воситалари ёрдамида йўналиш бўйлаб ҳаракатланиш саналари ва вақтлари кўрсатилган тадбирлар режаси. Саёҳат дастури (намуна-вий ёки индивидуал) саёҳатчига сотилган ва шартномада белгиланган туристик хизматларни амалга ошириш режаси ҳисобланади. кўшимча хизматлар туристларга бевосита улар яшаётган жойда саёҳатчининг жавобгарлиги остида алоҳида ҳақ эвазига кўрсатилиши мумкин.

*М. Ташходжаев,  
ТДИУ*

### ***Жаҳон туризмида етакчи мамлакатларнинг ривожланиши кўрсаткичлари***

Ҳозирги кунда туризм замонавий жамиятнинг интеграл қисми бўлиб, туризмдаги тадқиқотлар ва таҳлиллар, шунингдек, унинг иқтисодий манфаатлари жамият манфаатлари билан мос равишда ривожлантирилса, у маҳаллий жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Туризмнинг ривожланиши кўпгина жамоаларни туристик манзилгоҳларга: курорте ёки вақтинчалик тўхтаб ўтиладиган жой (бекаат, нуқта, манзил)ларга айлантириб кўйди. Бу саноатнинг таъсири оқибатлари маҳаллий жамоанинг катталиги ва нисбий муҳимлигига қараб турланади. Бирок ҳар қандай ҳолда ҳам сиёсатчилар, бизнесменлар ва маҳаллий аҳоли фойда олишмоқчи бўлишса, туризмни инкор этмасликлари лозим.

1978 йилда дунё бўйича саёҳат харажатлари 488 миллиард АКШ долларига етган. Бу 1978 йилдаги Жаҳон Ялпи Миллий Маҳсулотининг 6 фоизини, ва ўз навбатида, Олмония Федератив республикасининг шу даврдаги Ялпи Миллий Маҳсулотига тенг бўлган. WTOнинг хабар беришича, 1981 йилда дунё бўйича саёҳатларга (ички ва халқаро туризмга) 919 миллиард доллар сарфланган.

Алоҳида мамлакатларнинг туризм соҳасига қилган харажатларига эътибор берсак, асосан ривожланаётган мамлакатлар хиссасига кўпроқ харажатлар тўғри келади. Бу ҳолат ривожланаётган мамлакатларнинг туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор бераётганлиги билан тавсифланади. Бутун Жаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига кўра охириги йилларда туризм соҳасига дунё бўйича энг кўп харажат қилган мамлакат бу Хитойдир. Кўрсаткичларга эътибор берсак, ўтган йили Хитой давлати 128,6 млрд доллар сарф қилган, бу эса тўртинчи ўриндаги Россия Федерациясининг сарф



ҳаражатларидан деярли 2,5 бароба кўплигидан далолат беради<sup>47</sup>. Кейинги ўринларда эса, 2013 йилда АҚШ – 86,2 млрд. Германия – 85,9 млрд. Россия – 53,5 млрд, Буюк Британия – 52,6 млрд, Франция – 42,4 млрд, Канада – 35,2 млрд. Австралия 28,4 млрд, Италия – 27 млрд. ва Бразилия – 25,1 млрд. сарф харажат қилган.

### 2.3-жадвал

#### Туризмга энг кўп харажат қилган мамлакатлар

Т/р	Мамлакатлар	2012 йил, млрд. доллар	2013 йилда млрд. доллар	2011 йилга нисб., %да	2012 йилга нисб., %да
1	Хитой	102.0	128.6	37.3	23.8
2	АҚШ	83.5	86.2	6.7	3.3
3	Германия	81.3	85.9	2.5	2.3
4	Россия Федерацияси	42.8	53.5	36.5	28.9
5	Буюк Британия	51.3	52.6	2.1	3.5
6	Франция	39.1	42.4	-5.8	4.9
7	Канада	35.0	35.2	6.2	3.2
8	Австралия	28.0	28.4	2.1	8.8
9	Италия	26.4	27.0	-0.3	-1.0
10	Бразилия	22.2	25.1	4.6	12.9

Манбаа: Tourism Highlights. World Tourism Organization (UNWTO), Data as collected by WTO May 2014.

Ҳозирги кунда туризм саноати Жаҳон Ялпи Ички маҳсулотининг бевосита 3,8 %ини, билвосита 10 %ни бермоқда. Дунёнинг 80 мамлакатида туризм экспортнинг етакчи беш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади<sup>48</sup>. Туризмга жаҳон экспортининг 8 %и тўғри келмоқда.

Туристларнинг бундай миқёслари ҳақидаги маълумот фақатгина енгил ҳисобланган бўлиб улар фақатгина асосий маълумотлардир. Туризмнинг кўп томонлиги, унинг ишлаб чиқариш ва сотув соҳалари билан турли хил алоқалари ҳамда бир қатор мавсумийлик ва норасмий бизнес туризмни унинг бозор улушини солиққа тортиш учун аниқлашда ва солиққа тортишда кийинчиликлар туғдиради.

Турли расмий бошпаналардаги тунги қайдномалар туристик ахборотнинг асосий манбаи сифатида амалий кийматга эга. Агар халқаро ҳаракатланиш юз берадиган бўлса улар чегаралардан ўтиш қайдномалари билан боғлаб солиштириб кўрилади. Ўз мамлакати ичида саёҳат қилишни акс эттирувчи ички туризмни аниқ ҳисоблаш эса янада кийинроқ, дўст-қариндошларнинг уйларида тунаб қолишларни ҳисоблашнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Шунингдек, вақтинчалик тўхтаб ўтишга мўлжалланган муассасалардан аниқ маълумотлар олиш мумкин эмас. Бироқ, умуман олганда ички туризм бутун туризм фаолиятининг 70-80 %ини ташкил этади.

Туризмдан энг кўп даромад оладиган малакатлар таҳлилига кўра, охириги йилларда Америка Қўшма Штатлари бу соҳада етакчилик қилмоқда, уларнинг

<sup>47</sup> World Tourism Organization. Journal. May 2014

<sup>48</sup> А.Шлёвков. «Понятия и тенденции мирового туризма». Жаҳон туризм ташкилотининг 2004 йил 19 октябрдаги Тошкендаги "Гранд Мир" меҳмонхонасида уюштирилган семинаридаги нутқи.

даромади 139,6 миллиард долларни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида АҚШ да туристик саёҳатлар бироз қимматлиги билан тавсифланади. Кейинги ўринларда Испания ва Франция мамлакати бўлиб, буларнинг даромади 60.4 ва 56,1 млрд. долларни ташкил этган. Ушбу таҳлилнинг энг қизиқ томони. Хитой мамлакати билан боғлиқдир. Хитой давлати тўртинчи ўринда бўлиб уларнинг даромади 51,7 миллиардни ташкил этган, лекин алоҳида Хитойнинг Макао минтақасининг даромади 51,6 млрд. доллар бўлиб бу бешинчи ўринни эгаллаган. Хитойнинг Ганг Конг шаҳри эса ўнинчи ўринда бўлиб, ушбу соҳадаги даромади 38,9 миллиард долларни ташкил этган.

Жаҳон бўйича ва бирор алоҳида олинган мамлакат миқёсида туризмнинг ривожланиши бир қатор омиллар билан шартлаш-тирилади. Маълумки, омил деганда бирор-бир жараёнини ҳаракатга келтирувчи ва унинг хусусиятини ёки хусусиятларидан бирини очиб берувчи сабаби тушунилади.

2.4-жадвал

**Халқаро туризмдан даромад олишда етакчи саналган мамлакатлар**

Т/р	Мамлакатлар	2012 йилда млрд. доллар	2013 йилда млрд. доллар	2011 йилга нисб. ўсиш, %	2012 йилга нисб. ўсиш, %
1	АҚШ	126.2	139.6	9.2	10.6
2	Испания	56.3	60.4	-6.3	7.4
3	Франция	53.6	56.1	-2.2	4.8
4	Хитой	50.0	51.7	3.2	3.3
5	Макао (Хитой)	43.7	51.6	13.7	18.1
6	Италия	41.2	43.9	-4.2	6.6
7	Таиланд	33.8	42.1	24.4	24.4
8	Германия	38.1	41.2	-1.9	8.1
9	Буюк Британия	36.2	40.6	3.3	12.1
10	Ганг Конг (Хитой)	33.1	38.9	16.2	17.7

Манба: Tourism Highlights. World Tourism Organization (UNWTO). Data as collected by WTO May 2014.

Туризмнинг ривожланиш омиллари деганда объектив таъсир этувчи ҳамда таъсир этувчи турли қонунлар натижасида юзага келувчи туризмни ривожлантириш шароитлари тушунилади. Илмий адабиётларда туризмни ривожлантириш омилларининг турли таснифлари келтирилади.

Одатда, туризмни ривожлантириш омилларини кўчмас ва динамик турларга ажратадилар. Кўчмас омилларга табиий-географик ва тарихий-маданий омилларнинг йиғиндиси киритилади. Улар ўзгармас ва доимий аҳамиятга эга бўлишади. Инсон фақатгина уларга етишишни осонлаштирган ҳолда уларни туристик эҳтиёжларга мослаштира олади. Динамик омиллар иккинчи, янада йирикроқ гуруҳга киритилади. Улар вақт ва макон бўйича ўзгариб турувчи аҳамият-баҳога эга бўлишади. Уларнинг қаторасига ижтимоий-иқтисодий, моддий-техник, сиёсий, маданий ва бошқа омиллар қиради.

Туризмнинг ривожланишига таъсир этиш тавсифига биноан барча омиллар уч гуруҳга бўлинади: экстенсив (миқдорий), интензив (сифатий) ва чекловчи (салбий) ривожланиш омиллари.

Туристик фаолиятнинг экстенсив омиллари куйидагилар киради:

- Туристик фирмалар ва уларда ишловчи ходимлар сонининг ўсиши;
- Туризмга жалб этилувчи моддий ресурслар, жойлаштириш, ташиш воситалари, овкатлантириш корхоналари миқдорининг туристларга хизмат кўрсатиш технологияларни кучли такомиллаштирмаган холда оширилиши.

Туризмни ривожлантиришнинг интензив омиллари ўз ичга сифатий янгилишнинг куйидаги омиллари олади:

- Ходимлар малакасини ошириш;
- Илмий-техник тараккиётнинг ютуқларини – хизмат сифатини ошириш, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, туризмда инфорацион-техник воситалардан фойдаланишни тадбиқ этиш.

Туризмни ривожлантиришни чекловчи салбий омиллари куйидагилар киришади: сиёсий ва молиявия бекарорлик, криминоген вазият, табиий офатлар.

Меҳмонхоналар гуруҳи	Меҳмонхоналар занжири	Отеллар 2011 йилда (номерлар сони)	Отеллар 2012 йилда (номерлар сони)
<i>Best Western</i>	<i>Best Western</i>	4064 (308 911)	4110 (310 245)
<i>Holiday Inn</i>	<i>Intercontinental Hotels Group</i>	1567 (293 346)	1529 (287 769)
<i>Comfort Inn &amp; Suites</i>	<i>Choice</i>	2268 (169 750)	2366 (177 444)
<i>Marriott Hotels and Resorts</i>	<i>Marriott International</i>	450 (165 200)	472 (173 974)
<i>Days Inn of America, Inc</i>	<i>Cendant</i>	1902 (158 824)	1892 (157 995)
<i>Sheraton Hotels and Resorts</i>	<i>Starwood</i>	396 (133 519)	394 (134 648)
<i>Hampton Inn</i>	<i>Hilton Corp.</i>	1222 (124 653)	1255 (127 543)
<i>Super &amp; Motels</i>	<i>Cendant</i>	2083 (126 862)	2086 (126 421)
<i>Express by Holiday Inn</i>	<i>Intercontinental Hotels Group</i>	1352 (109 205)	1455 (120 298)
<i>Ramada Franchise Systems</i>	<i>Cendant</i>	971 (116 098)	905 (105 636)
<i>Radisson Hotels and Resorts Worldwide</i>	<i>Carlson Hospitality</i>	635 (150 646)	741 (203 709)

МКГ Hospitality – 2012 маълумотлари асосида.

*А. Махмудов,  
тадқ.З. Раҳманов,  
ТДИУ*

**Туристик ташкилотлар фаолиятида стратегик режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган ташкилотлар фаолият олиб бораётган иқтисодий муҳит замонавий шароитда юқори даражадаги беқарорлик билан таснифланади. Бу ҳолат эса, бозордаги ўзгаришлар суръати туристик фирмалар фаолиятида анъанавий услубиётда шакллантирилган менежментда нисбатан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш тезлигидан юқорирок эканлигини билдиради.

Стратегик режалаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши иқтисодий муҳит томонидан қўйиладиган босимни юмшатувчи омилларни шакллантириш имкониятини беради. Стратегик қарорларни ишлаб чиқишнинг технологик жараёнига барқарорлаштириш механизмнинг киритилиши стратегик режалаштириш босқичлари миқдорини ўзгартирмайди, аммо режалаштириш босқичлари доирасидаги ҳар бир қўйилган қадамга янги моҳият беради. Стратегик режалаштириш тизимида бақарорлаштириш механизмнинг замирида иқтисодий барқарорликни шакллантирувчи иқтисодий муҳит омилларининг мураккаб комплекси бўлиши керак. Бошқача айтганда, ташки ва ички муҳитнинг кескин ўзгарувчанлиги шароитида ягона тўғри стратегик танловни амалга оширишга ёрдам берувчи намунавий вариантлар мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Фикримизча, иқтисодий барқарор бўлган туристик ташкилотларни

таснифлаб берувчи умумий жихатлар мавжуд бўлиб, мазкур жихатлар куйидагиларда намоён бўлади:

- иктисодий ривожланиш цикллари ҳисобга олинishi;
- инновацияларни доимий равишда қўллаб-қувватлаш;
- иктисодий муҳит омиллари нуктаи-назаридан хўжалик фаолияти натижаларини баҳолашнинг зарурати;
- туристик ташкилотларга хос бўлган номоддий аспектлар потенциалини баҳолаб боришнинг зарурлиги;
- ташки муҳитда юз бераётган ўзгаришларга сезувчанлик даражасини ошириш имкониятини берувчи иктисодий мониторинг жараёнини янгилашнинг зарурати;
- компьютер технологияларини такомиллаштириш орқали прогнослаш фаолиятининг ролини оширилиши;
- тегишли моделлар орқали кўшимча маълумотларнинг олинishi;
- вазиятли режаларни ишлаб чиқиш зарурати;
- стратегик мўлжални ишлаб чиқиш;
- ҳар бир ходимга стратегик афзаллик манбаси сифатида ёндашиш;
- стратегик режалаштириш ва назорат тизимлари ўртасидаги алоқадорликнинг яратилиши;
- стратегик ва оператив тафаккур ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш.

Туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган ташкилотларда барқарор ривожланишни таъминловчи базавий омил иктисодий ривожланишнинг циклли эканлигини ҳисобга олишдир. У иктисодий динамиканинг муҳим омили бўлиб, бозор иктисодиётини тартибга солиш усулларида бири ҳисобланади. Қўлланилаётган илмий-техник тамойиллар доирасида самарадорликни ошириш имкониятлари пайтида янги илмий-техник тамойилларнинг қўлланилиши, ишлаб чиқаришнинг янги технологик усулига ўтишни такозо этади.

Ривожланиш даврининг қайси нуктасида бўлишига қараб, иктисодий муҳитнинг назорат остига олинмайдиган омилларининг ҳолати аниқланади. Уларнинг ривожланиш динамикасини прогнослаш мумкин бўлади.

Фикримизча, стратегик қарорларни қабул қилиш жараёнида иктисодий цикл фазаларининг таъсирини ҳисобга олиш режалаштириш объектининг нисбий барқарор ривожланишини таъминлаб бериши мумкин.

Маълумки, туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган ташкилотларни юз бераётган ўзгаришларга мослашиш даражасини ошириш ва мавжуд рискларни камайтиришда, ишлаб чиқариш ва бозорларни диверсификациялаш ҳамда инновациялар катта аҳамият касб қилади. Инновацион жараёнларни бошқариш тузилмавий ва келишилган бўлиши учун бир қатор дастлабки талаблар мавжуд.

Биринчи талаб, туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган ташкилотларда ижодий салоҳият амалга оширилиши учун энг қулай иш шароити яратилиши керак. Мазкур соҳада ижодий режалаштириш жараёнининг бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион ғоялар олий раҳбарият томонидан яратилиши керак. унинг вазифаси – ташкилот мўлжалини ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳаси

ташкilotининг келгуси фаолияти йўналишларини белгилаб беришдан иборат.

Иккинчи талаб, “стереотип” фикрлашдан воз кечиш, маълумотлар харакати аудитини мажбурий тарзда ўтказиш, шунингдек, ижодий фаолиятга халал берувчи ички тўсиқларни бартараф этиш йўналишидаги тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Инновацион фаолиятни рағбатлантириш биринчи навбатда, гоёларни яратувчи манбаларни қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади. Гоёлар туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган ташкilot-ларнинг ўзида ёки ундан ташқарида шаклланиши мумкин. Ушбу гоёлар “қурук” гапга айланиб қолмаслиги учун, ташкilotлар инновацион тадқиқотларни ўз фаолиятининг барча йўналишлари бўйича тизимли тарзда ташкил этишлари лозим. Бунда инновацион стимуллар катта аҳамият касб этади. Ижодий энергияни ишга туширишнинг ажойиб усули сифатида ходимларнинг гоёларини тан олиш ва уларни тегишли тарзда баҳолаб туриш лозим, бу эса, ўз навбатида, ҳамма вақт моддий рағбатлантиришни назарда тутмайди.

Исталган инновацион жараёнларнинг замирида маълумотларни йиғиш ва гоёларни умумлаштириш туради. Шунинг учун ҳам туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган ташкilotлар интеллектуал маҳсулотни тезкорлик билан баҳолашлари ва ташкilot мақсадларига мувофиқлигини назорат қилишлари лозим.

Инновацион гоёлардан тегишли тарзда фойдаланиш, уларни тезкорлик билан амалиётга жорий қилиш мумкинлиги даражасини баҳолаш имкониятлари билан боғлиқ. Мазкур ишнинг бажарилиши биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ташкilotларига ўтган даврдаги ғалаба ва мағлубиятлардан тегишли хулоса чиқариш имкониятини беради, иккинчидан, ижодий салоҳиятни рағбатлантиришнинг энг ажойиб усули уларнинг амалий фаолиятга жорий этиш ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган ташкilotлар фаолиятида стратегик режани шакллантиришда иқтисодий циклларни ҳисобга олиш ва инновацион гоёларни амалиётга жорий қилиш муаммоларини ўрганиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб қилади.

*Доц. Д.Х. Асланова,  
СамИЭС*

### ***Туристский кластер, как инструмент повышения эффективности использования туристского потенциала региона***

Развитие туристской отрасли зависит не столько от преимуществ в обеспеченности природными и культурно-историческими ресурсами, сколько от эффективности использования имеющегося туристического потенциала. Несмотря на то что, Узбекистан обладает огромным туристским потенциалом эффективности использования этого потенциала невысокая. Туризм обеспечивает всего лишь 1.8 % ВВП страны.

Для государства, имеющегося столь огромные возможности этот показатель является весьма незначительным по сравнению с государствами в

которых туризм является одной из ведущих отраслей национальной экономики (Мальта – 19,6%, Кипр – 16%, Греция – 15,5%, Испания – 15,3%, Австрия – 12,8% от ВВП страны).

В Самаркандском институте экономики и сервиса группа ученых провела исследования использования туристского потенциала Самарканда, одного из крупных туристических центров Узбекистана. Проведенные исследования показали, что эффективность использования туристского потенциала также невысокая. На территории Самарканда существуют 360 объектов, включенных в реестр ЮНЕСКО как историческое наследие. Но фактически, турфирмы включают в турмаршруты всего 20-25 из них. То есть коэффициент использования туристского потенциала составляет 6,9 %. Ученые на территории Самарканда выявили около 1000 объектов, которые являются привлекательными для туристов и которые можно включить в турмаршруты.

Если учесть это, то фактический показатель использования туристского потенциала еще ниже.

Сравнительный анализ тенденций развития туристской отрасли и других отраслей экономики Самарканда показал, что за последние 5 лет самый высокий среднегодовой прирост наблюдается в туризме (27%). В промышленности – 19,6%, сельском хозяйстве – 9,9%.

Если этот показатель сравнить с республиканскими то можно заключить, что темпы роста развития туризма в Самарканде (27%), выше чем в целом по республике (23,8%).

На основе этого можно заключить что в Самарканде туристская отрасль является самой приоритетной отраслью экономики, но вместе с тем имеется огромный резерв для развития этой отрасли.


В настоящее время доля туризма в ВРП Самаркандской области составляет 3,2 %. Для сравнения, в странах Центральной и Восточной Европы 2,2 %, в Малайзии 4,2, в Иране 3,5 %. Доля занятых в туризме в общей численности занятых составляет 0,1 %. В Малайзии – 4,9, а в Иране – 3,3 %. Доля экспорта туристских услуг в общем объеме экспорта товаров и услуг в Самарканде составляет 6,5%, в Иране 15,8%, в Малайзии 9,1%.

Мировой опыт показал, что для повышения эффективности использования имеющегося туристского потенциала региона и формирования конкурентоспособного продукта все страны с развитым туристским сектором уже с начала 80-х прошлого столетия перешли на кластерный подход в управлении. Основателем кластерного подхода является профессор Гарвардского Университета Майкл Портер. По его определению « кластер географически сконцентрированная совокупность фирм, тесно связанных отраслей, взаимно способствующих росту конкурентоспособности друг друга».

На основе теории выдвинутой М.Портером ученые дали определение регионального туристского кластера.


Региональный туристский кластер - это группа географически соседствующих взаимодействующих компаний, общественных организаций и связанных с ними органов государственного управления, формирующих и обслужива-

ющих туристские потоки, использующие рекреационный потенциал территории.



### Структура туристического кластера

Изучение современных тенденций и механизмов развития туристских кластеров на государственном и региональном уровнях позволил выделить три основные стороны, которые должны взаимодействовать между собой – государственные структуры (органы государственной власти) представители научного сообщества (научно-исследовательские учреждения и высшие учебные заведения) и представители бизнес структур.



Стратегия формирования кластера в том или ином регионе зависит от специфики и особенностей развития экономики в целом. Изучение опыта формирования и функционирования кластеров в зарубежных странах позволило выделить: либеральную и дирижистскую стратегию формирования кластеров.

ЛИБЕРАЛЬНАЯ СТРАТЕГИЯ	ДИРИЖИСТСКАЯ СТРАТЕГИЯ
Поддержка кластерных инициатив	Государственные и региональные программы формирования и развития кластеров
Создание и развитие региональных центров кластерного развития	Система налоговых и неналоговых льгот для инновационно-активных агентов
	Система поддержки кластеров через госзаказ; поддержку МСБ; формирование территорий инновационного развития

В зависимости от конкретных условий можно выбрать ту или иную стратегию формирования кластеров. Для Узбекистана на наш взгляд, более подходящей является дирижистская стратегия формирования и управления туристской отраслью.

На основе изучения различных подходов в управлению нами были выявлены отличительные черты кластерного подхода от других подходов в управлении отраслью экономики.

– в кластер вовлечены как представители общественного и частного секторов в ходе всего процесса реализации, начиная от определения до разработки дальнейшей реализации стратегии и экономического развития.

– кластерный подход перенаправляет русло диалога компаний и государственных органов на позиции сотрудничества совместных действий для повышения сотрудничества.

– роль кластерных объединений заключается в определении проблем участников кластеров, в развитии основного движения и плана действий, которые позволят кластеру стать более конкурентоспособным.

– кластеры являются открытыми системами, которые стимулируют конкуренцию. Их целью не является фиксация цен или ограничение конкуренции. Взаимный обмен информации совместные научные исследования и экспортное продвижение направлено на развитие конкурентоспособности фирмы без ограничения конкуренции.

С целью изучения готовности субъектов туризма к объединению в кластер мы провели опрос руководителей и специалистов турфирм и получили следующие результаты.

На вопрос «Как вы понимаете сущность кластера?» 89% опрошенных ответили, что не понимают этот термин, 10% ответили, что читали о нем, и 1% ответили, что понимают сущность кластера.

На вопрос «Насколько для вас является важным сотрудничество между предприятиями туризма?» 100% опрошенных ответили, что туристические компании многое выиграют, если они совместно координируют свои действия.

На вопрос «Как вы оценили уровень взаимодействия и сотрудничества между туристическими звеньями Самаркандского региона?» 25% респондентов ответили, что не видят наличия каких-либо связей между предприятиями и организациями туризма в регионе. 38 % оценили сотрудничество между звеньями туризма как среднее, хорошее сотрудничество указали всего лишь 2 %.

На основе этих исследований можно заключить, что в регионе прежде чем формировать туристские кластеры необходимо привести разъяснительную работу о сущности кластерных подходов

Реализация кластерного подхода позволит:

– сократить риски и неопределенность посредством создания совместной платформы для развития технических компетенций маркетинговых исследований, а также человеческих и финансовых ресурсов.

- обеспечить более легкий доступ к стратегическим ресурсам.
- достичь экономии от масштаба через организацию совместных действий по ряду направлений. Совместные закупки, бронирование, продажи и т.д. ведут к более низкой цене за единицу товара, что в свою очередь ведет к росту операционной эффективности. Это обеспечивает больше возможности при переговорах с посредниками.
- обеспечить развитие специализации. Благодаря развитию взаимодействия и некоторому ослаблению внутренней конкуренции, появляется больше пространства для работы в различных рыночных сегментах.
- добиться более высокой степени контроля на рынке. Компании, объединенные партнерскими отношениями, могут выходить на более широкие рынки. Достижение роста числа технологических и организационных ноу-хау, в силу того, что циркуляция знаний повышает уровень распространения технологии.
- повысить узнаваемость бренда продукции для потребителей и поставщиков, как на уровне компании, так и на региональном уровне.
- добиться повышения качества продукции и уровня операционной эффективности.
- сформировать условия для эффективного регионального маркетинга, который возможен только при наличии интегрированной и скоординированной системы взаимодействия всех участников.
- достичь синергетического эффекта. Партнерство и распределение деятельности ведут к созданию инновационных продуктов, обновлению производственного процесса и возникновению новых навыков. Обеспечить позитивное воздействие на экономику регионов в целом.

*Ассис. Д.М. Рахимова,  
ТГЭУ*

### ***Развитие и предпосылки зарождения экологического туризма***

Признаки экологического туризма базируются на определениях экотуризма, которые в свою очередь подразделяются на активные и пассивные. Примером активного определения экотуризма может служить определение, выработанное Международным обществом выживания: "Экологический туризм поощряет главенство интересов местных жителей в туристском освоении территории, защищает местную флору и фауну и обеспечивает местным жителям эконо-мическими стимулами сохранять окружающую среду". К числу пассивных определений относится следующее: "Экологический туризм координирует, помогает и стимулирует использование культурных и природных туристских ресурсов области (региона) для местного населения и будущих туристов".

Обобщая признаки и определения экологического туризма, можно выделить три основных компонента экотуризма:

1) "познание природы", т. е. путешествие, предполагает наличие элементов изучения природы, получения туристами новых навыков и знаний;

2) "сохранение экосистем" подразумевает не только соответствующее поведение группы на маршруте, но и участие туристов, туроператоров в программах, мероприятиях по защите окружающей среды;

3) "уважение интересов местных жителей" предполагает не только соблюдение местных законов и обычаев, но и вклад туризма в социально экономическое развитие туристских дестинаций.

При отсутствии хотя бы одного из этих компонентов нет оснований говорить об экотуризме. Обобщая вышеизложенное, определение экологического туризма может быть следующим: экологический туризм - это специальный вид туристской деятельности, основанной на туристском спросе, связанной с туристскими потребностями в познании природы и внесении вклада в сохранение экологических систем при обязательном уважении интересов местного населения. При условии грамотного развития экологический туризм может сыграть свою роль в разрешении современного социально-экологического кризиса. Он содействует охране природы и традиционных культур. Возрастающий спрос в этом секторе туризма приводит к созданию новых особо охраняемых природных территорий, в первую очередь национальных и природных парков.

Экологический туризм приносит существенный доход в государственный бюджет. Особенно это касается развивающихся стран. Для их слабой экономики несколько миллиардов долларов, которые приносит экологический туризм в казну всех развивающихся стран, - большие деньги.

На многих территориях экологический туризм может стать отраслью специализации, представляя конкурентоспособную альтернативу разрушающей природу хозяйственной деятельности. Наша страна обладает обширными территориями с нетронутой природой. К сожалению, до последнего времени развитие экотуризма в России шло преимущественно на самостоятельном уровне. Сейчас мы выходим на многие мировые рынки, в том числе и на рынок туризма. Развитие экологического туризма может сохранить природную красоту уникальных территорий.

Экологический туризм, или экотуризм, пока довольно необычное понятие для нашей страны, хотя за рубежом этот вид туризма очень популярен. Это путешествие в места с относительно нетронутой природой. Основной принцип при таком путешествии - не навредить окружающей среде. При экотуризме путешественники используют только экологически чистый транспорт (велосипеды, безмоторные лодки), организуют привалы в строго отведенных местах. собирают ягоды, лекарственные растения в разрешенных зонах. Гостиницы строятся только из экологически безвредных материалов.

Экологические маршруты в основном пролегают через национальные парки и заповедники. Путешественники знакомятся с окружающим миром, посещают пещеры, водопады, наблюдают за животными в их естественной



среде обитания. Например, так происходит в Кении, Танзании, Коста-Рики. Для этих стран экотуризм - основной источник доходов.

Ведущая среди основных причин зарождения экологического туризма - это усиливающаяся из-за массовости туризма нагрузка на природные и культурно-исторические ресурсы. Эта нагрузка возрастает прямо пропорционально темпам роста туристских посещений. Становится очевидным противоречие между удовлетворением туристского спроса и рациональным использованием туристских ресурсов. Негативные аспекты влияния были отмечены еще в 1970 е гг С 1973 по 1983 г. в Европе протяженность туристских водных маршрутов сократилась на 40 %, а морских - на 70 %. Площадь поврежденных мест возросла на 60 %. По мере роста глобализации мирового хозяйства росли и негативные изменения в геосфере Земли:

- климатические изменения;
- деградация почвы;
- разрушение экосистем и уменьшение биологического разнообразия;
- увеличение загрязнения воды, почвы и воздуха;
- природные бедствия, вызванные деятельностью человека;
- неконтролируемый прирост населения;
- продовольственная безопасность и нарастание угроз здоровью населения;
- ограниченность запасов энергии и других природных ресурсов;

Экологические туры имеют высокое экологическое значение. По данным ВТО, на долю экотуризма приходится от 7 до 10% ежегодного дохода всей индустрии туризма. Социальная значимость данного вида туризма заключается, прежде всего, в воспитательном и рекреационном значении. Так, например, в программу туров наряду с посещением экологически чистых районов, включены экскурсии в места экологических катастроф. Видение последствий современной цивилизации побуждает человека к бережному отношению к природе, рациональному использованию окружающей среды.

*Ассис. Д.М. Рахимова,  
ТГЭУ*

### ***Значение туроператорской деятельности в сфере туризма***

Туристический бизнес внешне очень привлекателен, ведь он не требует больших вложений, а спрос на его продукт всегда велик. Но лишь немногим, самым подготовленным удается избежать подводных камней, которых здесь великое множество. Если вы решили организовать собственное турагентство, вам необходимо знать некоторые формальности и правила, действующие в турбизнесе. В настоящее время на туристическом рынке, наиболее распространены два вида туристической деятельности: туроператор и турагент. Согласно закону, туроператор формирует туристический продукт, т.е. комплекс туристических услуг, состоящих как минимум из перевозки и размещения, а турагент реализует турпродукт, сформированный туроператором на условиях,

определённых агентским (или комиссионным) договором. Турагент самостоятельно выбирает, с кем из туроператоров сотрудничать. Как правило, этот выбор мотивируется оптимальными ценами, размером комиссии, надёжностью и удобством работы. Прежде чем подписывать договор с туроператором о сотрудничестве, рекомендую обратить внимание на: наличие, размер, срок действия финансового обеспечения; срок работы на туристическом рынке по конкретному направлению, выбранному для сотрудничества.

Условия работы туроператора с агентами: правовая форма договора, заключаемого с турагентами, легальность приема наличных платежей – какие выдаются документы, подходят ли они для учета и подтверждения затрат: размер агентского вознаграждения, на каких условиях возможно его увеличение; размер штрафных санкции за аннуляцию тура; как часто проводятся мастер-классы по туристическим направлениям, платные они или бесплатные; условия, график проведения рекламных туров; бонусные, накопительные программы для агентств и прочие программы лояльности; уровень технологий продаж, автоматизации процесса бронирования туров; возможность получения оперативной информации, персональная связь с курирующим менеджером; возможности туроператора по экстренному решению проблем (например, наличие постоянного представительства в регионе или телефона круглосуточной поддержки туристов или наличие стойки в аэропорту). Сейчас на туристическом рынке есть достаточное число опытных туроператоров практически по каждому туристическому направлению. Познакомиться с ними можно на профессиональных туристических ярмарках в Ташкенте. Специализированные ярмарки и конференции проводятся также в форме workshop-ов различными профессиональными туристическими изданиями. Подготавливая офис к работе, не следует забывать о правовых требованиях к договорам. Как минимум, турфирме понадобится форма Договора с клиентом и Заявка, которую будет заполнять турист, а также БСО «Туристская путёвка». В том случае, если при оформлении тура не выдается путевка, требуется наличие кассового аппарата, зарегистрированного в налоговом органе. Следует учесть, что никакой договор не заменит грамотную работу сотрудников: можно оградиться от возможных неприятностей, предусмотреть в договоре все формальности, но элементарная ошибка менеджера перечеркнет все ваши усилия и поставит фирму под угрозу судебного взыскания. Поэтому особое внимание при создании турфирмы следует уделить профессиональной подготовке менеджеров. Для этой цели существуют семинары и рекламные туры, юридически организуемые туроператорами для агентов. Организация работы туристической компании связана с целым рядом правовых вопросов, требующих внимания специалистов с первых дней существования фирмы – это постановка учета и документооборота, разработка договоров, финансовой и налоговой схемы, определение порядка взаимодействия с партнерами и клиентами и т.д. Нередко ошибки первых месяцев работы не позволяют успешно развиваться бизнесу и влекут за собой значительные штрафы. Чтобы избежать подобных неприятностей и правильно организовать свой бизнес,

рекомендуется воспользоваться услугами по консалтингу и юридической поддержке в процессе создания турфирмы. Срок окупаемости капиталовложений в туристический бизнес составляет около одного года.

Программа "Организация турфирмы от А до Я" помогает всем желающим открыть собственное туристическое агентство. Целью этой программы является содействие всем желающим открыть собственное турагентство в Москве. Это красивый, технологичный, прибыльный и быстро окупаемый бизнес, при профессиональном подходе к его организации.

Квалифицированные специалисты окажут Вам помощь в разработке концепции, бизнес-плана, оформлению необходимой разрешительной документации, подборе помещения, оформлению офиса, разработке фирменного стиля, ведению бухгалтерского учета, разработке комплекта документов для работы, подберут, поставят кадровый документооборот и обучат персонал. Создание туристического бизнеса включает в себя следующий комплекс услуг:

- Подбор наименования предприятия;
- Регистрация доменного имени в сети интернет;
- Регистрация предприятия;
- Внесение в реестр (турагентов и/или туроператоров);
- Оформление финансового обеспечения (для туроператоров);
- Сертификация;
- Разработка документов, необходимых для работы в туризме;
- Обучение персонала по программе "Организация турфирмы от А до Я";
- Создание ассортиментного ряда туров, заключение договоров с туроператорами, подбор необходимых информационных материалов, каталогов для организации продаж;
- Размещение рекламы в наиболее популярных туристических изданиях к открытию агентства;
- Рекомендации по ведению расчетов, бухгалтерскому учету.

*Магис. Д.А. Рахимова,  
ТДИУ*

### *Ўзбекистонда меҳмонхона индустриясининг замонавий ривожланиш тенденциялари*

Меҳмонхона индустрияси иктисодий фаолиятнинг бир шакли сифатида меҳмонхоналар, кемпинг, мотель ва дам олиш ўйларига меҳмонхона хизматларини тақдим қилиш ва тўлов асосида қисқа муддатли яшашни ташкил этишни камраб олади.

Меҳмонхона индустрияси - бу корхоналарнинг ўзига хос мажмуаси бўлиб, унинг ўз ишлаб чиқариш маданияти бор, бу маданият яхши ёки ёмон таъсир қилиши мумкин, масалан, ишлаб чиқаришга, ишчилар орасидаги муносабатларга, уларни ўзини тутишига, уларнинг шахсий ишларига раҳбарлар хизмат кўрсатишга боғлиқ бўлган шикоятлар муаммоларни ҳал қилишга камдан-кам интиладилар. Мижоз томонидан бундай шикоят тушганда, асосий

чора, сабабни эмас айбдорни кидириш бўлиб қолади. Мехмонхона корхонаси раҳбарининг билим ва малакаси фаолиятининг баъзи йўналишлари билимлари суммасидан кенгрок бўлиши керак. Мехмонхонанинг ташкилий тузилиши унинг мақсади, жойлашуви ва бошка ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Мехмонхона хўжалиги тармоғининг иктисодиётига, энг аввало, иктисодий омиллар (иктисодиётнинг умумий ҳолати, аҳоли жон бошига олинадиган ўртача даромад, ишсизлик даражаси, маҳаллий валютани айирбошлаш курси, солиқ солиш даражаси, кредитларга белгиланган банк фоизи ва б.) таъсир кўрсатади. Айни пайтда, тармоқнинг ривожланишида ижтимоий-иктисодий омиллар, чунончи: даромад даражасига кўра аҳолининг тақсимланиши, маълумот даражаси, турмуш тарзи, ёш тузилиши, шаҳар ва кишлок аҳолисининг нисбати (шаҳар аҳолиси ҳаракатчанрок), жиноятчилик даражаси, туризмнинг ривожланиши ва ш.к. ҳам катта роль ўйнайди.

Мехмонхоналарда автоматлаштирилган ахборот тизимлари номерларни резервлаш, доимий мижозлар, меҳмонларнинг талаблари ва улар тўлаши лозим бўлган ҳақ ҳақидаги маълумотларни киритиш, сақлаш ва зарур ҳолда тез кидириб топишга ёрдам беради.

Автоматлаштирилган ахборот тизими компьютер дастурлари тўпламидан иборат бўлиб, улар ёрдамида бошқариш офислари ва ёрдамчи бўлимлар иши учун долзарб аҳамиятга эга бўлган ахборотни йиғиш ва ундан фойдаланиш мумкин.

Автоматлаштирилган ахборот тизимининг резервлаш хизмати фаолиятини таъминловчи таркибий қисми мазкур хизмат ходимларига резервлашга сўровларни тез олиш, расмийлаштирилган бронларга тасдиқлар олиш ва меҳмонхона номерлари мижозлар билан қай даражада тўлиқлиги ҳақида доим аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Катта меҳнат сарфини талаб қиладиган меҳмонхона саноатида одамлар компаниянинг энг муҳим активи ҳисобланади. Бинобарин, ходимларни бошқариш мазкур қудратли активларни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради ва компания менежменти тизими ва услубини тарқатиш ва ривожлантириш ишига қўшилган катта ҳисса ҳисобланади.

Ҳозирги бизнесда сифатга эътиборни кучайтириш инсон ресурсларини бошқариш хизматидан меҳмонхона саноати корхоналарини олдингига қараганда малакалироқ ходимлар билан таъминлашни тақозо этади. Мазкур хизмат тобора мураккаблашиб бораётган ҳуқуқий муҳитда ишлаш оладиган қилиб тузилиши ва таркиб топтирилиши лозим. Шу билан бирга, юқори малакали ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш таъминланиши керак. Шу сабабли инсон ресурсларини бошқариш хизмати меҳмонхона саноати корхоналарига ўзгарувчан бизнес муҳитида ўз ўрнини топиш имконини берадиган жараёнларни бошқара оладиган тарзда ташкил этилиши, комплексланиши ва касбий жиҳатдан тайёрланиши лозим.

*Ўзбекистон меҳмонхоналар индустриясида бронлаштиришда компьютер тизимларини такомиллаштириш истиқболлари*

Меҳмонхона индустриясини ривожлантиришда меҳмонхонани компьютерлаштириш муҳим роль ўйнайди:

- бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш;
- меҳмонлар ва уларнинг шахсий мол-мулки, шунингдек, меҳмонхона мол-мулкининг хавфсизлигини ошириш;
- меҳмонхонанинг мижозлари доирасини кенгайтириш ва бир қанча маркетинг вазибаларини ҳал қилиш;
- меҳмонхона қўшимча хизматлари таклифининг кенгайиши билан боғлиқ даромадларни кўпайтириш имконини беради.

Юқорида зикр этилган вазибалар ҳозирда ҳар қандай меҳмонхона учун – унинг номерлари миқдори, тоифаси ва жойлашган еридан қатъи назар, долзарб аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда янги **компьютер технологияларининг** амалга жорий этилиши меҳмондўстлик саноати корхоналари ва ташкилотларининг профессионализи ва иш унумдорлигини оширди, меҳмон-хона бизнесини юритиш усулини тубдан ўзгартирди, корхоналарнинг эгаларига бир қанча муаммоларни ҳал қилиш имконини берди ва мижозларга жуда кўп қўлайлиқлар яратди.

Истеъмолчиларнинг талабларини қондиришга интилиш турли фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мослашишга қодир бўлган амалий дастурларни ишлаб чиқишга тўртки берди.

Меҳмонхонанинг алоқа воситаларига хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ички алоқа, мижозлар билан алоқа (шу жумладан, пейжер алоқаси ва радио), овоз ёзиб олувчи жавоб бериш автоматлари, факслар, маълумотлар бериш хизмати ва авария маркази қиради. Мижозлар меҳмонхона билан илк алокани кўпинча телефон орқали боғлайдилар. Бу барча телефон кўнғироқларига жиддий муносабатда бўлишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Интернет тармоғига уланган бронлаш ва резервлаштириш халқаро тизимларининг имкониятларидан фойдаланиш меҳмонхона корхоналари фаолиятида қатта аҳамиятга эга. Бундай тизимларга қуйидагилар қиради: «AMADEUS», «Worldspan», «Galileo». «Sabre», «Fidelio Hotel Bank».

«AMADEUS» бронлаш билан шуғулланадиган энг машҳур компьютер тизимидир. У бошқа тизимларга қараганда кўпроқ миқдорда халқаро хизматлар кўрсатишга қодир. «AMADEUS» Hotels тизими ер юзидagi 35 000 меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари ҳақида аниқ маълумотларни таклиф қилади. У меҳмонхонанинг жойлашган манзили, бўш ўринларнинг мавжудлиги, кўрсатиладиган хизматлар тўплами ва нархлар ҳақида маълумотлар беради.

Меҳмонхона хизматларини бронлаш бўлимлари интернет тармоғида ҳам мавжуд. Уларнинг энг машҳури Travel Webdir. У 1996 йилда АҚШнинг

«Pegasus Systems» компьютер компанияси томонидан очилган. Travel Web жаҳоннинг 94 мамлакати, барча етакчи меҳмонхона тармоклари ва 200 дан ортиқ авиакомпания ҳақида ахборот беради. Бронлашдан ташқари, у маъқул меҳмон-хоналар ва авиарейсларни кидириш тизимига ҳам эга.

Меҳмонхоналар ва рестороанлар учун бошқарув тизимлари яратишга ихтисослашган дунёдаги энг йирик Micros-Fidelio корпорациясининг комплекси энг кўп тарқалган универсал маҳсул ҳисобланади. Fidelio тизими 100 дан ортиқ йирик меҳмонхона тармоклари (Sheraton, Hilton, Marriot, Kempinsky, Hyatt ва ҳ.к.)да ўрнатилган. МДХ ва Болтикбўйи мамлакатлари ҳудудидаги 90 дан ортиқ меҳмонхоналар ҳам ўз фаолиятида мана шу технологиялардан фойдаланади. Келажакда бу тизимлардан Ўзбекистон меҳмонхоналарида ҳам фойдаланиш, меҳнат унумдорлигига, вақтни тежашга ва бошқа кўпгина қулайликларга асос бўлиб хизмат қилади.

*Ассис. Д.М. Раҳимова,  
ТДИУ*

### ***Уғом-Чотқол миллий боғида экологик туризмни ривожлантириш истиқболлари***

Туризм даромад келтириши ва табиатни муҳофаза этиш тадбирларини қувватлаши мумкин. Туризм самарали бошқарилмаса, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли туристларнинг эҳтиёжларини қондирадиган, шунингдек, табиатни муҳофаза этишга фаол хисса қўшадиган барқарор туризмни ривожлантириш муҳимдир.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мавжудлиги, бундай ҳудудларда туризмни амалга ошириш ҳуқуқий тартибга солиниши Уғом-Чотқол миллий боғига экотуристларни жалб қилишнинг бош омилдир. Шу туфайли ҳам муҳофаза этиладиган ҳудудлар сонини кўпайтириш ва уларнинг сифатини кучайтириш минтақа учун айниқса муҳимдир. Ҳозирги вақтда Уғом-Чотқол миллий боғи ва Чотқол қўриқхонасига бориш нисбатан қулай ва осон, Бешорол қўриқхонасига бориш эса анча оғир. Аммо бу ерда ҳам ташкилий муаммоларни ечиш ва молиялаштиришни яхшилаш мақсадида бир қанча тадбирлар ўтказиш талаб этилади. Таклиф этиладиган тадбирлар:

1. Муҳофаза этиладиган ҳудудга қираверишда информацион қалқон ўрнатиш тавсия этилади.

2. Халқаро принциплар, ҳуқуқий нормалар ва мавжуд ҳулқ-атвор кодекслари (“Меҳмондўстлик”, “Экофорум”, “Экосан”) асосланиб Муҳофаза этиладиган ҳудудларга ташриф буюрувчилар учун Хулқ-атвор кодекси ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши лозим.

Тадқиқотлар Уғом-Чотқол миллий боғи шароитлар яхшиланган тақдирдагина кўп сонли туристлар эътиборини ўзига тортишини кўрсатди. Бу ҳудудни Тошкент шаҳрида жойлашган туроператорларнинг пакетларига манзил сифатида киритиш фарблик туристлар ташрифини кафолатлашнинг ишончли йўли ҳисобланади.

Минтакада бўлиб турган туристлар бу ерда мавжуд хизматлар ва диққатга сазовор жойлар ҳақидаги ахборотга баҳо бериш имкониятига эга бўлишлари лозим. Чимён, Бурчмулла, Хумсон ва Янгибозорда оддий кам бюджетли туристик ахборот маркази ташкил этиш, бу ерда маршрутлар, диққатга сазовор жойлар ва хизматлар ҳақида туристларга ахборот беришни йўлга қўйиш тавсия этилади. Давлат ахборот ва реклама тузилмаси ҳали ташкил этилмагани боис, ташаббус хусусий секторга, туризм соҳасидаги тадбиркорларга таяниши, Угом-Чотқол миллий боғи ва Бешорол кўриқхонаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилиши лозим.

Ҳозирги вақтда Угом-Чотқол миллий боғи ва Бешорол кўриқхонасида экологик туризмни илгари суриш ва умумий мувофиқлаштириш учун жавоб берадиган муайян агентлик йўқ. Бу ерда экологик туризмни ривожлантириш стратегиясини амалга самарали жорий этиш учун мувофиқлаштиришнинг муайян шакли зарур. Мазкур вазифани туман маъмурияти ҳозирги вақтда мавжуд туристик ҳамжамият гуруҳлари ва боғ маъмурияти билан баҳамжихат ҳал қилиши мумкин.

Таклиф қилинаётган тадбирларни амалга ошириш айрим ҳолларда сиртдан молиялаштиришга ёки экспертларнинг хизматларига муҳтож. Бунда потенциал молиялаштириш имкониятлари:

- ривожлантириш бўйича агентликлар;
- кичик грантлар дастурлари;
- ҳукумат томонидан молиялаштириш.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мукинки, Угом-Чотқол минтақасида бўлиб турган туристлар бу ерда мавжуд хизматлар ва диққатга сазовор жойлар ҳақидаги ахборотга баҳо бериш имкониятига эга бўлишлари лозим. Чимён, Бурчмулла, Хумсон ва Янгибозорда оддий кам бюджетли туристик ахборот маркази ташкил этиш, бу ерда маршрутлар, диққатга сазовор жойлар ва хизматлар ҳақида туристларга ахборот беришни йўлга қўйиш тавсия этилади. Давлат ахборот ва реклама тузилмаси ҳали ташкил этилмагани боис, ташаббус хусусий секторга, туризм соҳасидаги тадбиркорларга таяниши, Угом-Чотқол миллий боғи ва Бешорол кўриқхонаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилиши лозим.

Ҳозирги вақтда Угом-Чотқол миллий боғи ва Бешорол кўриқхонасида экологик туризмни илгари суриш ва умумий мувофиқлаштириш учун жавоб берадиган муайян агентлик йўқ. Бу ерда экологик туризмни ривожлантириш стратегиясини амалга самарали жорий этиш учун мувофиқлаштиришнинг муайян шакли зарур. Мазкур вазифани туман маъмурияти ҳозирги вақтда мавжуд туристик ҳамжамият гуруҳлари ва боғ маъмурияти билан баҳамжихат ҳал қилиши мумкин. Бундай мувофиқлаштирувчи орган ўз фаолиятида бир неча вазифалар ва жавобгарликни ҳисобга олиши лозим.

Экотуризмнинг ривожланишини оптималлаштириш турли иштирокчиларнинг ҳар хил максадларини мувофиқлаштиришни талаб этгани туфайли, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш лозим. Бошқарувнинг турли даражаларига мансуб бўлган асосий иштирокчилар орасида алоҳида муҳофаза

этиладиган табиий худуд маъмурияти, айрим дестинациялар, турбизнес менежменти, туризм бўйича маҳаллий кўмита, табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза этиш кўмитаси, шунингдек, маҳаллий аҳолини фарқлаш мумкин.

*Ассис. Д.М. Рахимова,  
ГДИУ*

### **Ўзбекистонда туризм хизматлари бозорини ривожлантириш истиқболлари**

Туристлар оқимини кўпайтириш. Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришга кўмаклашадиган барқарор вазият борасида ишончли ахборотлар тарқатиш мақсадида “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси делегацияси турли йирик туристик кўргазмаларда иштирок этиб келаяпти. Бундан ташқари, делегация Лондондаги WTM – 2001, Берлиндаги ITB – 2002 ва Токиодаги JATA – 2002 кўргазмаларида “Ўзбекистон туризми кунлари”ни ўтказдилар. Шунингдек, Миландаги ВIT – 2002 халқаро туризм кўргазмасида иштирок этиб, юртимиз обрўсини оширди. Жумладан, “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси Австриянинг “Anabasis” давлат туристик компанияси ўртасида ҳар йили ўтказиладиган Берлиндаги туристик ярмаркада биргалашиб катнашиши ҳақида шартнома тузди.

Туризмнинг ихтисослашган турлари билан қизиқувчи туристлар сони кундан кунга ошиб бормоқда. Улар учун саёҳат йўналишлари ишлаб чиқилган. Маълумотномалар тайёрланиб, нашр этилган. Археологик объектларга саёҳат йўналишларини тузиш ва Сорос жамғармаси лойиҳаси бўйича Геодезия Институтини билан ҳамкорликда бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

2012 йил мобайнида 50 га яқин корхонага туризм соҳасида фаолият кўрсатиш учун руҳсат берувчи лицензиялар берилди. Натижада 423 та иш ўринлари барпо этилди.

Миллий туристик ташкилотларни молиявий кўллаб-қувватлаш борасида куйидаги ишлар олиб борилмоқда:

Туризм соҳасида камайтирилган фоиз ставкалари билан имтиёзли кредитлар, туризм объектларини қуриш билан боғлиқ ташкилий ишларга ссудалар бериш ҳам кенг йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасига кўпроқ чет эл туристларини жалб этиш мақсадида туристик ташвиқот ишлари бошлаб юборилган. Бунда ахборот материалларининг сони ва сифатини ошириш катта аҳамиятга эга. Ҳозирда “Туризм ревью” ва “Дунё бўйлаб” телевизион кўрсатувларни мунтазам равишда ташкил қилиш тўғрисида Ўзтеле радиоккомпания билан шартномалар тузилган. Халқаро туризм кўргазмаларида намойиш қилиш учун Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши тўғрисида видеороликлар тайёрланган. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2001 йил 16 мартдаги 261-сонли Фармойишига мувофиқ Ўзбекистоннинг туристик имкониятларига бағишланган соҳалар бўйича бизнес-қайдлар нашр этилиб, тарқатилмоқда.

Туристларни янада кўпроқ жалб этиш учун меҳмонхоналарда



кўрсатиладиган хизматлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш керак. Бунинг учун эса туристик соҳа мутахассисларини тайёрлашни йўлга қўйишга катта аҳамият бериш керак. Ушбу вазифанинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси манфаатдор идоралари билан биргаликда республика ҳукумати ҳузурида олий ўқув юртларини тамомлаган ёш мутахассислар ва олий ўқув юртларида тайёргарликдан ўтган ёшлар тўғрисида махсус маълумотлар банкини яратиш ва улар юзасидан мониторингни амалга ошириш ташкил этилган.

Туристтик бизнесни танлаган замонавий ёшлар бу сердаромад соҳанинг эртанги кунини кўзлаб, Ўзбекистоннинг келажакда ривожланган мамлакатлар каторидан ўз ўрнини эгаллашига ҳисса қўшадилар.

Туризмни ривожлантиришга оид қонун ва қонун ости ҳужжатлари дастурий ҳужжатлар бўлиб улар иқтисодиётнинг юқори рентабелли соҳаси бўлиши туризмнинг ривожланиши учун ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва моддий-техник чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантиришнинг истикболдаги мақсади республиканинг миллий-маданий тикланиши, миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш борасидаги ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик масалаларини ҳал қилишдир.

Ўзбекистон халқаро туризм бозоридан мустаҳкам ўрин олиши учун туристлар учун юқори даражадаги қулайлик (комфорт) яратилиши, уларга хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича стандартлар тизими, хавфсизлигини таъминлаш кафолатлари юзага келтирилиши шарт.

Туризмни ривожлантиришни тезлаштириш жараёни бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, айнан бозор туристик ҳўжалик фаолият кўрсатиши учун энг мақбул иқтисодий муҳит ҳисобланади. Ўз навбатида, туристик тармок корхоналари, бевосита истеъмолчига мўлжал ола туриб, бозор кенглиги шаклланишига фаол кўмаклашиши керак.

Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда  
хорижий тажрибани кўллаш

Республика илмий-амалий анжумани илмий  
мақола ва маърузалар тўплами

“*IQTISODIYOT*” – 2014.

*Муҳаррир*  
*Мирхидоятова Д.М.*

*Мусаҳҳиҳ*  
*Расулова С.С.*

Лицензия АИ № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 04.09.2014. Босишга рухсат  
этилди 15.09.2014. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма.  
Офсет қоғози. Шартли босма табағи 25,7. Ҳисоб нашр варағи 25,2.  
Адади \_\_\_ нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

“*IQTISODIYOT*” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100003. Тошкент шаҳри Ўзбекистон шохкўчаси, 49-уй.

66.3(5У) “Ўзбекистонда ички туризми ривожлантиришда хорижий тажрибани қўллаш” Республика илмий-амалий анжумани (22 сентябрь 2014 йил) –Т.: “IQTISODIYOT”, 2014. -398 б.

ISBN 978-9943-4334-2-7

УЎК: 341(575.1)  
КБК: 66.3(5У)

